

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Хорижий тиллар факультети
Инглиз тили ва адабиёти кафедраси**

408 – гуруҳ талабаси Бахрамова Севара

Козимжон қизи

**“ЭРНЕСТ ХЕМИНГУЭЙНИНГ АСАРЛАРИДА ТАБИАТ
МАНЗАРАЛАРИ ТАСВИРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИФОДАЛАШ ВА
ЎҚИУВЧИЛАРГА ЎРГАТИШ” мавзусидаги**

*(5141400 - Инглиз тили ва адабиёти йўналиши) бўйича бакалавр
даражасини олиш учун ёзилган*

**Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й
И Ш И**

Илмий раҳбар:

доц. Ш.Ю.Бегалиев

Андижон – 2014 й

Ушбу битирув малакавий иши Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат Университети, Хорижий тиллар факультети Инглиз тили ва адабиёти кафедрасининг 2014 йилдаги 20.05 ойининг № 9-сонли йиғилишида кўриб чиқилди ва ҳимояга тавсия этилди.

Хорижий тиллар факультети декани:

ф.ф.н.доц.Б.Раҳмонов

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси
мудири:

ф.ф.н.доц.М.А.Абдувалиев

Илмий раҳбар:

ф.ф.н.доц.Ш.Бегалиев

Такризчилар:

МАВЗУ: ЭРНЕСТ ХЕМИНГУЭЙНИНГ АСАРЛАРИДА ТАБИАТ МАНЗАРЛАРИ ТАСВИРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИФОДАЛАШ ВА ЎҚИУВЧИЛАРГА ЎРГАТИШ

Кириш

**Биринчи боб. Америка ёзувчиси Эрнест Миллер Хемингуэй
хаёт ва ижод хусусида.**

1.1. Э.М.Хемингуэй ҳаёти ва адиб ижодининг шаклланиш
босқичлари.

1.2. Э.М.Хемингуэй “Айсберг” тамонига асосланган асарлар
асосчиси.

1.3. Адиб ҳаёт ва ижод хусусида хотиралар.

**Иккинчи боб. Адиб асарларида кўтарилган мавзу ва
муаммолар талқини.**

2.1. Э.М.Хемингуэй ҳикояларида кўтарилган мавзу, ғоя ва
образлар.

2.2. Э.М.Хемингуэй романларида кўтарилган мавзу, ғоя ва образлар
талқини.

**Учинчи боб. Адиб асарларида табиат манзаралари ва унинг
ҳаёти ва ижодини ўргатиш бўйича услубий тавсиялар.**

3.1. Эрнест Хемингуэй ижодида табиат манзаралари тасвири.

3.2. Э.М.Хемингуэй ҳаёти ва ижоди мавзусини ўргатишнинг яна
бир педагогик технологияси хусусида.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

МУНДАРИЖА

Кириш	5-15
Биринчи боб. Америка ёзувчиси Эрнест Миллер Хемингуэй ҳаёт ва ижод хусусида.	
1.1. Э.М.Хемингуэй ҳаёти ва адиб ижодининг шаклланиш босқичлари.....	16-25
1.2. Э.М.Хемингуэй “Айсберг” тамониға асосланган асарлар асосчиси.....	26-29
1.3. Адиб ҳаёт ва ижод хусусида хотиралар.....	30-48
Иккинчи боб. Адиб асарларида кўтарилган мавзу ва муаммолар талқини.	
2.1. Э.М.Хемингуэй ҳикояларида кўтарилган мавзу, ғоя ва образлар.....	49-53
2.2. Э.М.Хемингуэй романларида кўтарилган мавзу, ғоя ва образлар талқини.....	54-68
Учинчи боб. Адиб асарларида табиат манзаралари ва унинг ҳаёти ва ижодини ўргатиш бўйича услубий тавсиялар.	
3.1. Эрнест Хемингуэй ижодида табиат манзаралари тасвири.....	69-70
3.2. Э.М.Хемингуэй ҳаёти ва ижоди мавзусини ўргатишнинг яна бир педагогик технологияси хусусида.....	71-73
Хулоса	74-76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	77-79

КИРИШ

Ўзбекистонда чет тилларини, хусусан инглиз тилини ўқитиш ва ўрганишга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Унинг ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 10-декабрдан “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини тўғрисида”ги тарихий қарорини [2, 1-2] олишимиз мумкин. Ушбу П-1875 сонли қарор 2012 йил 11-декабрда “Халқ сўзи” рўзномасида эълон қилинди ва аҳолининг барча қатламлари, зиёлилар, ота-оналар, ишбилармонлар, ишчи-ходимлар ва ўқувчи-талабалар томонидан мамнунят билан кутиб олинди. Чунки бу қарор айти пайтда чиқарилган, мамлакат порлоқ келажаги, интеллектуал ривожланган, юксак маънавиятли шахснинг замонвий таълим ва тарбия эҳтиёжларидан келиб чиқиб қилинган қарор бўлди.

Қарор мазмун-моҳияти чет тиллар, хусусан инглиз мамлакатимиздаги мавжуд тизимни янада такомиллаштириш чет тиллар таълими сифатини жаҳон андозаларини кўтариш мулоқот маданиятини янада синдириб бориш чет (инглиз) тилида яратилган фан техника адабиёт, саноат иқтисодиет, тиббиёт кабиларга оид илмий ва бадиий ва оммабоп асарлар мақола ва рисоалардан тўғридан-тўғри бахраманд бўлсин, улардан мамлакат иқтисодиётини илм фанини янада ривожлантриш йўлида ижодий фойдаланишга қаратилгандир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Вазирлик, идора ва таълим муассалари олдиға қатор долзарб вазифалар ҳам юкланганки, уларнинг ижроси чет тилларини ўрганиш ва ўқитиш тизимида беқиёс ва бетакрор ижобий ўзгаришлар содир бўлишиға олиб келади.

Бундай долзарб вазифалар қаториға қуйидагилар киради:

чет тилларини касбий билим ва педагогик маҳоратларини янада кўтариш;

мактабгача ва мактаб таълим тарбияланувчилари, куйи синф ўқувчилари махсус малака ва билимларга эга бўлган олий маълумотли ўқитувчилар тайёрлаш;

узлуксиз таълим тизимини тайёрлов, таълим йўналишлари учун замонавий дарслик, ўқув қўлланма, кўп тиллик луғатлар яратиш, синовдан ўтказиш ва таълим жараёнига чет тиллар таълими учун зарур муҳит ва шарт-шароитларни яратиб бериш (лингафон ва компьютер синфлари);

матбуот нашрлари (махсус журнал, газеталар) саҳифалар ва телевидение орқали инглиз тилига ўргатувчи матбуот ва кўрсатувларни йўлга қўйиш;

олий таълим муассасаларида асосий мутахассислик фанларини инглиз тилида йўлга қўйиш бунга профессор-ўқитувчиларини тайёрлаш кабилардир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги ташкилий услубий ишлар амалга оширилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда ҳамда етакчи олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда:

2013 йилнинг 1 мартига бўлган муддатда ҳар бир таълим босқичида чет тилларини билиш даражасини аниқ мезонларини назарда тутувчи янги таълим стандартларини таяминлайди;

2013 йилнинг 1 майгача бўлган муддатта умумтаълим биринчи синфидан бошлаб чет тилларини таълимини узлуксиз жорий этилишини, шунингдек, таълимнинг барча босқичларида унинг давомийлигини назарда тутувчи умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунаар ва олдий ўқув юртларининг янги ўқув режалари ва дастурлари тасдиқланиршини таяминлайди;

таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари, дарсликларни ишлаб чиқиш, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этиш учун етакчи хорижий ўқув марказларини, чет тиллар бўйича халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб этади;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда чет тилларини ўқитиш тубдан қайта кўриб чиқилишини ва кучайтирилишини, ўқув яқунлари бўйича умумэътироф этилган тестлар (имтихонлар) топширилишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибида Чет тилларини билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси ташкил қилинади ва унинг вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгиланади: халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабига мувофиқ чет тилларини билиш даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Ўрганувчиларнинг чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш тўлов асосида тест ўтказиш (жумладан, интернет орқали масофавий) ва давлат намунасидаги тегишли малака сертификатини беришни ташкил этиш;

Ўрганувчиларни чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш учун тестга тайёрланишларига зарур маълумотларни тайёрлаш ва интернет тармоғига жойлаштириш.

Давлат тест маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой мудатда 2015-2016 ўқув йилларини бошлаб барча олий таълим муассаларига тестлари блокига хорижий тилни киритиш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Шундай тартиб ўрнатиладики, унга мувофиқ:

Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунарсиз ўқув муассаларида чет тиллар ўқитувчиларига зарур эҳтиёжи бўлган узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшаётган аҳоли ичидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослигига олий таълим муассасаларига мақсадли қабулни амалга оширишга рухсат этилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий

ахборот агентлиги болалар ва ёшларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини инобатга олган ҳолда, қуйидагиларни таъминламоқда.

Телевидения, шу жумладан, маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқарнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ҳамда мультипликациявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида мунтазам кўрсатиб боришни йўлга қўйди.

“Ziynet” тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини сезиларли орттирилди, унинг ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобил ускуналар учун иловалар билан бойитилди. Шунингдек, инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни чоп этиш йўлга қўйилди, уларга махсус рукнлар ҳамда иловаларни ташкил этилди.

Адабиёт ҳаёт дарслиги дейдилар. Адабиётда маълум мамлакат, халқ, миллат тарихи, маданияти, менталитети, урф-одатлари-ю қадриятлари ўз аксини топади. Чунки адабиёт ҳаёт кўзгуси. Маълум давр, унда рўй берган яхши-ю, ёмон воқеалар унда ўз аксини топади. Чет тиллар адабиёти, жаҳон адабиёти хазинаси дурдоналаридан баҳраманд бўлиш, ўқиш, мутоала қилиш инсонни тарбиялайди, уни юксакликка кўтаради, фикрлашга чорлайди. Ҳаётдаги мавжуд қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишнинг тажриба ва синовдан ўтган йўлларини кўрсатиб беради.

Америка адабиёти жаҳон адабиётининг таркибий қисмидан бўлиб, у жаҳон адабиётига бетакрор, ўзига хос намоёндаларини бердики, Америка адабиёти салоҳияти, унинг ривожига ана шулар номи билан боғлиқ. Масалан, Америка адабиёти деганда Ж.Ф.Купер, Марк Твейн, Харриет Бичер Стоу, Жэк Лондон, Теодор Драйзер, Эрнес Миллер Хемингуэйлар улар қолдирган шох асарларини биламиз.

Айриқса, Америка танқидий реализми намоёндалари деб эътироф этилган адиблар адабий меъросини ўрганиш, унда мамлакат, халқ ҳаётида юз берган тарихий воқеалар, уларнинг ижтимоий сиёсий сабаблари, оқибатларини тўғри ўрганиш, уларга бугунги кун нуқтаи назаридан баҳо бериш, ёшлар муаммолари, меҳр-оқибат, дўстлик, севги, фидойилик масалаларини танқидий жиҳатдан ўрганиш бугунги ёш авлодни бағрикенглик, дўстлик, фидойилик, бугунги кунимизга шукроналик, эртанги порлоқ ҳаётимизга умид руҳида тарбиялашга катта ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Шу нуқтаи назардан, “Эрнест Миллер Хемингуэйнинг “Алвидо Қурол” асарида қахрамонлар нутқининг лингвистик ва стилистик жиҳатлари” мавзусидаги ўқув услубий қўлланма муҳим аҳамият касб этади.

Уларнинг барчаси қизил империя мафқураси руҳи билан суғорилган ва ўша мафкура манфаатлари нуқтаи назаридан яратилган ва унга хизмат қилган. Шу сабаб мавжуд тадқиқотларда ёзувчи ижодий фаолиятига, унинг услуби ва дунёқарашига алоқадор масалалар ҳолисона ёритиб берилмаган. Кейинги йилларда Ўзбекистонда Инглиз ва Америка адабиёти тарихи бўйича иккита ўқув адабиёти дунёга келди:

1. Abduvaliyev M. Pages from the history of English and American literature. Andizhan, 2000;

2. Bakoyeva M. English literature, Tashkent, 2006;

Масалан, доцент М.А.Абдувалиев томонидан нашр этилган ўқув қўлланмада (Абдувалиев 2000, 96-105) Э.М.Хемингуэй ҳаёти ва ижоди, ёзувчининг ёзиш услуби, Хемингуэйнинг Америка адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси каби боблар бўлиб, муаллиф адиб фаолиятини имкон қадар ёритиб беришга ҳаракат қилган, унинг “Килиманжаро қорлари (1936), “Алвидо, Қурол!”, “Чол ва денгиз” асарларининг мавзуси, ғояси ва қахрамонларига чизгилар берган. [2, 45-47] М.Бақоева ва бошқаларнинг ўқув қўлланмасида Э.М.Хемингуэй ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар мавжуд эмас.

Қўлланмани ёзишдан кўзланган асосий мақсад Э.Хемингуэй ҳаёти ижоди, дунёқарашига оид янги маълумотларни аниқлаш, адиб қаламига мансуб асарларнинг ғояси, мавзуси ва қаҳрамонларини янгича талқин этиш, қаҳрамонлар нутқида хос тил бирликларининг лисоний ва стилистик жиҳатларини, “Алвидо, Қурол!” романининг ёшлар тарбиясидаги ролини аниқлаш ва улар онги-шуурига сингдиришдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг мавзуси “Э.М.Хемингуэйнинг “Алвидо, Қурол!” асарида реалиялар ва уларнинг таржимаси масалалари” деб номланади.

Тадқиқотнинг объекти ўзга (инглиз, немис, италян ва бошқалар) тилларга хос реалиялар (хос сўзлар)лар, уларни тилдан тилга ўгириш муаммоларидир.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қуйидагилар ўрганилади:

- реалия (хос сўзлар)нинг тавсиф ва таснифи;
- реалияларни тилдан тилга ўгириш усул ва воситалари;
- тарслитерация, таржима тили имкониятларидан фойдаланиб янги сўз, сўз бирикмаси ва қўшма сўзлар орқали реалияларни ўгириш, изоҳли таржима кабиларни Э.М.Хемингуэйнинг “Алвидо, Қурол!” асарида намоён бўлиши, асар муаллифининг бу борадаги маҳорати, фактик материалларини таҳлил қилиш;
- асарда фойдаланилган реалиялар рўйхатини тузиш, изоҳлаб бериш ва ўзбек тилига таржима қилиш имкониятларини аниқлаш;
- асар қаҳрамонлари нутқида хос коммуникатив ва нокоммуникатив бирликларнинг лингвистик ва стилистик хусусиятларини аниқлаш, бу орқали асар муаллифининг ёзиш услуби, тилига хос жиҳатларини аниқлаш кабилардир.

Ишдан кўзда тулиган мақсад назарий ва амалий таржимашуносликда назариётчи таржимашунос олимлар ҳамда амалиётчи таржимонлар эътиборида бўлган ўзга тилларга хос бўлган лексик бирликлар (реалиялар)нинг машҳур америка ёзувчиси Э.М.Хемингуэй асарлари

мисолида тадқиқ этиш, таржима усул ва воситаларини намоён бўлиши, уларни инглиз ва ўзбек тилларига ўгириш йўллари ва имкониятларини аниқлаш ва таржимонларга аниқ ва тўғри кўрсатмалар беришдан иборат.

Ишнинг долзарблиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- тил ўрганувчиларда И.А.Каримовнинг 2012 йил 10-декабрдаги қарори мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, тил ўрганувчиларга инглиз ва америка ёзувчилари қаламига мансуб асарларни аслиятда ўқиш, мутоала, таҳлил ва таржима қилиш, у ёки бу ижтимоий-сиёсий воқеаларга ўзининг мустақил ва тўғри баҳосини беришга ўргатиш зарурияти пайдо бўлгани;

- Э.М.Хемингуэй асарларидан реалиялар махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги;

- асар қаҳрамонлари нутқига хос синтактик-коммуникатив бирликларнинг лингво-стилистик ва прагматик жиғатлари таҳлиliga оид кўникмаларни тил ўрганувчиларга сингдириб бериш заруриятининг пайдо бўлгани ва ҳоказолар.

БМИда чоғиштирма, компонент таҳлил, стилистик ҳисоб, таржима ва трансформация методларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий иш назарий аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидагиларда намоён бўлади:

- тадқиқот натижалари ва хулосаларини таржима назарияси ва амалиёти, синхрон ва изчил таржима, инглиз тили лексикологияси ва стилистикаси, қиёсий типологияси, инглиз адабиёти тарихи фанлари бўйича маъруза матнлари тузишда;

- магистрлик диссертациялари, БМИлари ва курс ишлари ёзишда;

- юқоридаги фанлар бўйича илмий рисола, ўқув-услубий кўлланмалар яратиш жараёнида.

Ишнинг амалий аҳамиятини қуйидагиларда кўрамиз:

- тадқиқот натижасида олинган фактик материалларни тардима назарияси ва амалиёти, инглиз адабиёти тарихи, лексикология фанлари семинар ва амалий машғулотларида фойдаланиш мумкин;

- фактик материалларни бадий ва публицистик асарлар таржимаси жараёнида кенг фойдаланиш мумкин;

- тадқиқот натижаларидан амалий таржима бўйича тақдимот машғулотлари, услубий ишланмалар тайёрлашда, кўп тиллик луғатлар яратишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон ХХІ асрнинг иккинчи ўн йилликлари бошларига келиб иқтисодий ва сиёсий салоҳияти юксак даражада ривожланган, интеллектуал имкониятлари кенг миқёсда намоён бўлаётган мамлакатга айланди. Чунки Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятидаги ўрни ва обрў эътибори кундан кун мустақамланиб бормоқда. Бундай эътирофларга қатор мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Белгияда чоп этиладиган оммабоп “La gazette Diplomatique” журналининг сўнгги сонида Бельгия Дипломатия клуби бош котиби Леон Вегнознинг “Ўзбекистон: бозор иқтисодиётига ўтишнинг равон йўли” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Мақола муаллифнинг эътироф этишича, “Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали импортни камайитиришга интилгани ҳолда, босқичма босқич ҳаракат тамойилига мослашган иқтисодий ислохотларни ўтказишга киришди. Ўзбекистон раҳбари И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” бугун бозор иқтисодиётига равон ўтишнинг яққол тасдиғи ҳисобланади”.

Мақоланинг республикамиз тарихий меросига бағишланган қисми “Бой тарихга эга ўзбек” деб номланган. Муаллиф бу ерда асрлар давомида инсонлар қай тарзда яшагани, давлатлар гуллаб яшнагани ҳақида ҳикоя қилади”. Бу гўзал юртда ҳаёт бир лаҳза ҳам тўхтамаган ва айнан шу замин Шарқни Ғарб билан боғлаган Буюк Ипак йўли чорраҳаси ҳисобланади. “Буюк Амир Темур бошқаруви даврида, Ўрта Ер денгизидан Шимолий Ҳиндистонгача бўлган худудларни ўз ичига олган салтанат гуллаб яшнаган. Ўзбекистон 1991 йили мустақилликка эришгандан сўнг ўзбек давлатчилиги тарихида янги саҳифа очилди” деб ёзади Л.Вегнез².

² Халқ сўзи, 2012, 9-феврал № 28, 1-2 бетлар.

Дарҳақиқат, тараққиётнинг ўзбек модели-бошқарув ялпи иқтисодий муносабатлар тамойилининг бозор тизимига ўтиш жараёнларига эволюцион ёндашув, чуқур ўйланган, босқичма-босқич ислохотларни рўёбга чиқаришдир. Ўз вақтида қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури туфайли Ватанимиз иқтисодиёти бутун дунёда содир бўлган глобал молиявий иқтисодий инқирозга муваффақиятли тарзда қарши тура олди. Ўзбекистон нафақат жаҳон инқирозига қарши тура олди ва унинг оқибатларини баратараф эта олди, балки санокли мамлакатлар қаторида иқтисодий тараққиётнинг барқарор юқори суръатларига эришиш имконини ҳам берди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 8.5 фоизни ташкил этдики, бу дунёга энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хиссаси ҳам ўсгани ҳолда, улар 24 ва 52.5 фоизни ташкил этди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз олтин захиралари ҳам сезиларли даражада ўсганини кўрамиз. Ўзбек саноати фаол ривожланиш йўлига ўтди. Хусусан, республикамызда “GM” ва “MAN” сингари дунёга донғи кетган компанияларнинг замонавий енгил ҳамда юк автомобилларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Ана шундай автомобил заводларини Андижонда фаолият кўрсатаётгани биз учун фахр.

Яқинда жанубий Кореяда нашр этиладиган оммабоп журналлар – “The Korea Times” ва “The Korea Post” журналлари саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Корея Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишланган мақола эълон қилинди. Мақолада дипломатик муносабатлар ўрнатилган 1992 йил 22 январдан буён икки давлат ўртасида йўлга қўйилган сиёсий, савдо-сармоявий ҳамда маданий-маърифий йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликлари кенгайди, ривожланди. 2010 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо – сотик таҳлили 1.6 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 360 та Жанубий Корея корхонаси фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 59 таси юз фоиз Корея маблағи асосида иш юритмоқда³.

Корея Республикаси ҳукуматининг техникавий ёрдами доирасидаги ҳамкорлик Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (Коика) орқали фаол ривжланмоқда. Бугунги кунга келиб, КОИКА дастури бўйича Ўзбекистон Вазирлик ва идораларнинг 1240 нафардан зиёд вакили Корея Республикасида амалиёт ўтаб қайтди. Шу дастур доирасида Андижон давлат университетида 2011 йилда Ахборот ва компьютер технологиялари маркази ташкил этилгани ҳам қувонарли ҳол.

Мустақилликнинг биринчи йилларидаёқ юртбошимиз И.А.Каримов таълим устуворлиги унинг мамлакат тараққиёти ва гуллаб яшнашидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратди. 1997 йил 29 августда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Таълим тизимида босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Президентимиз аввалом бор таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Замон талабларига тўла жавоб берадиган мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари қурилди. Вилоятимизнинг ўзида шу кунга қадар 117 та касб-хунар коллежлари ва 12 та академик лицейлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Ёш авлод тарбияси ва таълимни республикаимиз ҳукумати ва давлатнинг доимий эътиборида бўлиб қолмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 2012 йил феврал ойида пойтахтаимизда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилинниг энг муҳим шарти” мавзусида ўтказилган халқаро конференцияни келтириш мумкин⁴. Унда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ,

³ Халқ сўзи, 2012, 8-феврал № 27, 1-2 бетлар.

⁴

Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар қатнашди.

Конференция қатнашчилари томонидан узлуксиз таълим ва ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда Ўзбекистон миллий модели ва тажрибаси ҳавас қилиш ва ўрнатқ олишга арзигулик эканлиги эътироф этилди. Улар юртимизда ёшларнинг маънан, интеллектуал ҳамда жисмонан етук бўлиб вояга етишлари учун яратиб берилган шарт-шароит, инфратузилма ва мустаҳкам моддий-техник база, шунга яраша ўқувчи талабаларнинг истеъдоди ҳамда салоҳиятига ҳам юксак баҳо бердилар. Демак, ёш авлод тарбияси ва таълимида биз тўғри йўл танлаганмиз. Демак, таълимнинг ўзбекча модели ўзининг самарсини бермоқда.

БИРИНЧИ БОБ. АМЕРИКА ЁЗУВЧИСИ ЭРНЕСТ МИЛЛЕР ХЕМИНГУЭЙ ҲАЁТ ВА ИЖОД ХУСУСИДА.

1.1. Э.М.ХЕМИНГУЭЙ ҲАЁТИ ВА АДИБ ИЖОДИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.

Америка адабиёти ихлосмандлари орасида Э.М.Хемингуэй номини билмаган ўқувчи бўлмаса керак. Э.М.Хемингуэй XX аср Америка адабиётининг йирик намоёндаларидан бири бўлиб, унинг адабий асарлари жаҳон ва Америка мумтоз адабиётининг дурдоналари ҳисобланади. У сермахсул ёзувчи сифатида ҳам Америка адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутди. Ҳаётлик соғида адиб еттита роман, олтита қисқа ҳикоялар тўплами, учта нобадий асарлар яратди, вафотидан сўнг учта роман, тўртта ҳикоялар тўплами, учта нобадий асарлар нашр этилди.

Эрнест Хемингуэй 1899 йил 21 июлда Иллинойс штатининг Чикаго шаҳри яқинидаги Оук Прак шаҳрида таваллуд топади. Эрнест отаси Кларенс Эдмондс Хемингуэй шикорчи, она Грейс Хом-Хемингуэй созанда эди.

Улар обрўли эътиборли, маърифатли инсонлар эдилар. Ёзувчининг ота-онаси, 1896 йили турмуш қурадилар ва Грейсининг отасини уйига кўчиб ўтадилар. Улар биринчи фарзанди (ўғли)га Грейс отасининг исмини берадилар. Бобосининг исми Эрнест Хол эди. Бахтга қарши умр бўйи ёзувчи ўз исмини ёқтирмай яшади. Чунки ёзувчи бу исми Оскар Уайльднинг “The importance of being Earnest” пьесасидаги гўл ва тентак қаҳрамон исмига тенглаштирарди.

Хемингуэйлар оиласи етти ётоқхона, мусиқа ва тиббий хизмат кўрсатиш хонасидан иборат шинамгина уйда истиқомат қилишади. Унинг оиласи атроф қишлоқларда тез-тез концерт бериб турарди. Эрнестни қанча зўрламасинлар у мусиқани ўрганишни хоҳламади. Эрнестнинг таржимаи холини яратган Майкл Рейнолдзни таъкидлашча, аслида Эрнест мусиқа машғулотларида куч-қувват, илҳом олган.[25.11]

1913-1917йилларда Хемингуэйлар оиласининг иккинчи фарзанди, Эрнест Оук Парк ва Ривер Скул ўрмончилик олий мактабида гаҳсил олади. У ерда

Эрнест бокс, енгил атлетика, сув полоси ва футбол билан фаол шугулланади. Унинг инглиз тили бўйича бахолари ҳам яхши эди. Эрнест ва унинг акаси Марселин мактаб оркестрида созанда сифатида икки йил катнашадилар. [25, 33]

Ўспиринлик йилларида Эрнест Фанни Бигздан журналистика бўйича сабоқлар олди. Эрнест ва Марселин биргаликда мактабнинг "The Trapeze" газетасига макола ва хикоялар ёзиб турдилар, Эрнестнинг биринчи маколаси Чикаго симфоник оркестрининг Оук Паркдаги концертига бағишлаган бўлиб, у 1916 йил январ ойида нашр этилди. Шундай қилиб, у мактаб газетасига маколалар ёзди, унга мухаррирлик кила бошлади. Унинг тили спорт репортерлари тилига яқин эди. У ўзига Ринг Ларднер тахаллусини танлади. Ринг Ларднер "Чикаго Трибюн" газетаси мухаррири эди. [8, 78]

Марк Твейн, Стивн Крейн, Теодор Драйзер, Синклэя Льюслар каби Хемингуэй романлар ёзишдан аввал журналист ва кореспондент сифатида фаолият олиб борди.

Олий мактабни тугатиб у "The Kansas City" газетасида мухбир сифатида ишлайди. У ерда факатгина 6 ой ишлаган бўлса-да, газета услубини ўрганди. Қисқа ганлардан фойдаланиш, қисқа парафафларни ишлатиш, инглиз тилини тўғри қўллаш каби махоратларни эгаллади. [4, 88]

1918 йилнинг бошларида у Қизил Хож мурожаатига лаббай деб жавоб бериб Италияда шошилиш тиббий ёрдам машинаси ҳайдовчиси бўлишга рози бўлади. Май ойида Нью-Йоркни тарк этади ва Парижга келади. Ўша пайтда шаҳар немислар томонидан тўпга тутилаётган эди. Июнь ойига келиб Хемингуэй Италия frontiга келади, ташрифининг биринчи куниёк Милан шаҳридаги Курол аслахалар ишлаб чиқарувчи фабрикада содир бўлган портлаш жойига боради, у ерда фабрика ишчилари тана аъзолари бўлақларини кўради. Бу мудхиш ва дахшатли манзарани у ўзиниш "Куннинг кок ўртасидаги ўлим" ("Death in the afternoon")-китобида қуйидагича тасвирлайди:

"Биз ўликларни ажратиб олиб, уларнинг тана аъзолари, колдикларини йиғиб олганимизни эслайман". Бир неча кундан сўнг у фоссалта ди Пиавега бориб жойлашади. Саккизинчи июлда фронтдагиларга шоколад ва сигаретлар таркатиб кайтгач, оловда куйиб қолади. Жароҳатига карамасдан, у Италия аскарини хавфсиз жойга олиб чиқади. Бу жасорати учун Италия ҳукумати Хемингуэйнинг кумуш "Жасорат" медали билан тақдирлайди. Ўн саккиз ёшида Хемингуэй ўша воқеа хақида куйидагича ёзади. "Ёш бола туриб урушга борсанг, умр боқий барҳаётлилик тасаввурига эга бўласан. Атрофингда бошқалар ўлади. Лекин сен эмас, Кейин сен жуда ёмон яраланганинда биринчи маротаба бояги ўйингни йўқотасан ва бу ҳол сен билан ҳам содир бўлиши мумкинлигини тушуниб етасан". [23.142]

Эрнест Хемингуэй икки оёғидан яраланди ва операция қилинади, дала касалхонасида беш кун ётади ва Миландаги Қизил Хож касалхонасига ўтказилади. Касалхонада у олти ой ётади, у ерда Қизил Хож ҳамшираси Агнес вон Куровскини севиб қолади. Ҳамшира Эрнестдан 7 ёш катта эди. Агнес ва Хемингуэй турмуш қуришга аҳд қилишлари арафасида, Агнес Италия зобитига 1919 йилнинг март ойида унаштирилади. Бу воқеа унинг "A very short story" асарига фактик материал сифатида хизмат қилди. Агнеснинг бевафолиги Хемингуэйни изтиробга солди.

1919 йилнинг бошларида уйга қайтади. Қонли тиззаларини кўрган пайтда у ўйларини ота-оналарига айта олмас эди. У бошқа юртда жарроҳлар оёғидан ажраладими ёки йўқми инглизча айта олмаганди. Ўша ёзни у Миччиганда курсдош ўртоқлари билан балиқ овлаб, сайрларда бўлиб ўтказди. Сентябрь ойида бир ҳафта қишлоқда дам олади. Бу қисқа саёхат унга "Big two – hearted river" хикоясини ёзишга руҳлантирди. Бу ярим автобиографик асар қахрамони Ник Адамс урушдан қайтиб осойишта ҳаёт кечириш учун қишлоққа кетгани хақидаги хикоядир. [15, 74]

Хемингуэй анча вақт ишсиз уйда ўтирди. Хемингуэйлар оиласининг бир дўсти унга "Торонто Стар Уикли" га иш таклиф этади. Ночор Эрнест таклифни қабул қилади. Ўша йили ёзувчи, "Торонто Стар Уикли"га чет эл

корреспонденти сифатида ишга киради, кейин 1920 йил сентябр ойида у яна Чикагога дўстлари билан яшаш учун кўчиб кетади. [9, 69]

У ойлик "Cooperative Commonwealth" журнали мухаррири ўринбосари лавозимида ишлади. У ерда Шевуд Андерсон билан учрашади. Авлиё Луислик Хэдли Ричардсон, Хемингуэй хонадошининг опаси Чикагоча келганида Эрнест уни севиб қолади. Кейинрок у шундай деб ёзади. У мен уйланадиган киз эканлигини билардим. Бу кизғиш сочли хоним Хемингуэйдан саккиз ёш каттарок эди. Шундай эсада, Хэдли ёшига караганда ёшрок кўринарди. [12, 97]

"Хемингуэйнинг аёллари" китоби муаллифи Бернис Керт Хэдлида ёш болаларга хос сифатлар Агнесдан кўра кўпрок жанлигини айтади. Иккала ошик калблар турмуш қуришга ва Европага сафар қилишга аҳд қиладилар. Улар Римга ташриф буюришни хоҳлайдилар, лекин Шевуд Андерсон уларни Парижга боришликларини тавсия этади. Улар 1921 йил 3-сентябрь куни гурмуш қурадилар. Бундан икки ой ўтиб Хемингуэй Торонто Старга корреспондент сифатида ёлланади, ёш куёв-келин Парижни тарқатдилар. Маерснинг айтишича, Хемингуэй Хэдлига уйланиб гўзал аёлнинг севгисига, яхшигина маблаг ва Европадаги ҳаётига эга бўлади. Хемингуэйнинг биографи Карлос Бейкернинг ёзишича, Парижда ҳаёт, пул алмашинув даражаси қиммат эмаслиги ва у ерда дунёдаги энг машхур кишилар билан танишиш имконияти борлигидан ҳади. Хемингуэй Гертруд Стайн, Жеймс Жойс, Эзра Паунд каби ёзувчилар билан учрашади. Айнан мана шу ҳолатлар ёзувчилик шохсуппасига кўтарилишада муҳим туртки бўлди. Уша даврда Хемингуэй баланд бўйли, келишган, бакуват, кенг елкали, кўй кўзли, чаккалари кизил, жаги тўртбурчак, майин овозли ёш йигит эди. [4, 12]

У ва Хэдли Лотин кварталдаги Руду Кардинал Лемойн 74-уйда яшайдилар. Хемингуэй уйига яқин бинодан хонани ижарага олади ва ишлайди. Хемингуэй Пабло Пикассо, Жоан Миро ва Жуан Грис каби машхур рассомлар билан танишади. Америкалик шоира Эзра Паунд Хемингуэйни тўсатдан учратиб қолади. Шоира Эрнест Хемингуэйдан 14 ёш катта эди. 1923

йили Италияга сафарлари чоғида улар калин дўстга айланадилар ва ўшанда шоира Хемингуэйнинг иктидорини кашф этади. Паунд, Т.С.Эллиотнинг "The waste land" асарини нашр этиб бўлгач, Хемингуэйни Ирланд ёзувчиси Жеймс Жойсга таништиради. Хемингуэй ва Жойс бирга кўп улфатчилик қилиб юришади.

Париждаги 20 ойлик хаёти давомида Хемингуэй 88 та хикояни "Торонто Стар" учун тўплади. Бу хикоялар "Грек-турк уруши", балик овлари пайтидаги хангомалар, букалар жанги каби мавзуларга бағишланган. Гаре де Леонда Хэдли эрининг бир томондан тўла кўлёмаларини йўкотиб кўяди. Хемингуэй бундан изтиробга тушади. Бу 1922 йили содир бўлганди. Хэдли хомиладор эканлиги сабабли эр-хотин Торонтога кайтадилар. У ерда 1922 йил 10 октябрда Жон Хэдли Никанор исмли ўғли туғилади. Улар Торонтодалик пайтида Хемингуэйниинг биринчи китоби "Theree stories on Ten poems" нашрдан чиқади. Китоб таркибига кирган икки хлқоя йўкотилган жомадондан колган кўлёмалар эди. Хикояларнинг учинчиси бахорда Италияда ёзилган эди. [10, 27]

Ойлар ўтмай адибнинг иккинчи китоби (In our times) нашр этилади. Бу тўплам йигирмага якин хикояларни ўз ичига олган эди. Улар адибнинг Испаниядаги даврида дунёга келган эди. Адиб Парижни кўмсади, Торонто у учун зерикарли туюларди. Хемингуэй журналистик хаётидан ёзувчиликка қайтишни хохлаб қолади.

Хемингуэй ва Хэдли Бамби (лакаби) исмли ўғли билан биргаликда 1924 йил январь ойида Парижга кайтадилар. Адиб Форд Мадокс Фордга мухаррирлик килади. Унинг саҳифаларида Паунд, Жон Дас Пассос ва Гертруд Стайн асарлари, шунингдек Хемингуэйнинг хикоялари (Indian Camp) чоп этилади: " In our times " 1925 йили нашр этилганда Форд куйидаги изоҳларни беради. "In our times" кўп олқишларга сазовор бўлди. Форд уни ёш ёзувчининг илк, жиддий хлқояси сифатида баҳолади. [16, 58]

Хемингучй Ф.Скот Фитзжеральд билан танишади. Улар ўртасида "завк-шавк ва душманлик", дўстлик риштаси ўрнатилади, Фитзжеральднинг ўша

йили "The Great Gatsby" асари нашр этилади. Хемингуэй уни ўқийди, ёктиради ва ўзининг кейинги асари роман бўлиши керак деган фикрга келади. Лекин Америка Қўшма Штатлари танкидчилари Хемингуэй қисқа хикояларини ўзининг дарак гаплари ва қаттиқ услуби билан тўлдириб юборган деб айблайдилар. [11, 32]

Хемингуэй Сан Фермин (Памплона)даги фестивалда буқалар жангидан сўнг спортга иштиёқи янада ошди. Бунда у урушнинг шафкатсизлиги беаёвлигини гўзалликка қарши кўяди.

1925 йил июн ойида Хэдли ва Хемингуэй Париждан Памплонга кетадилар. Бу сафар унинг биринчи романини (The sun also rises) ёзишга туртки бўлади. Хемингуэй ушбу романни қайта ишлаш учун олти ой вақт сарфлайди. Қўлёзма Нью-Йоркка апрель ойида етиб келади. Асарни Парижда 1926 йил августда тўла тўғрилаб бўлади. "Скрибнез" нашриёти асарни октябр ойида нашр этади. Бу асар урушдан кейинги авлод тақдирига бағишланган бўлиб, ижобий тақризлар олади ва Хемингуэйнинг энг яхши асари деб эътироф этилади. Бирок, Хемингуэй кейинроқ аслида умри завол бўлган авлод хақида эмаслиги, балки замин адабий асардаги қахрамонлар эса умри завол инсонлар эмас деб ёзади. [20,105]

Хемингуэй "Қуёш яна чиқади" асарини ёзаётган пайтда унинг турмуши бузилади. 1926 йил баҳорида Хэдли эрининг Паулин Пфейфер билан бўлган пинхоний севгисидан хабар топади. Парижга қайтаётиб улар ажралишга қарор қиладилар. Ноябрь ойига келиб Хэдли расман шу илтимос билан мурожаат этади. Мол-мулкларини бўлишиб, Хэдли "The sun also rises"дан қолган катта қалам хақини олишга рози бўлади, расман 1927 йил январь ойида ажрашадилар. Хемингуэй Паулин Пфейферга Май ойида уйланади.

Пфейфер Арканзас штатидан бўлиб, бадавлат оила фарзанди эди. Уйланишдан аввал Хемингуэй ҳам католик динига киради.

Асал ойдан сўнг адиб ўзининг навбатдаги қисқа хикоялар тўпламини яратишни режалаштиради. Бу асар "Men without women" номи остида 1927 йил октябрь ойида нашр этилади. Хемингуэй ва унинг хомиладор рафикаси

Паулин Америкага кайтадилар. Уларнинг ўгли Хемингуэй Канзас Ситида туғилади.

Бу кун июнь ойининг 28 санаси эди (1928 йил). Ўша йил кузда адиб ўғли Бамби билан эди. Улар Флорида поездига ўтиришларидан аввал отаси ўз жонига касд килганлиги хақидаги хабарни олади, чукур изтиробга тушади. Январь ойида Францияга кетишдан олдин у "Алвидо, Қурол!" асарининг коралама лойихдсини яратади. [7,125]

1930 йиллар мобайнида адиб кишларни Ки Вестда, ёзларни Вайомингда ўтказди. У ерда Америка ғарби табиатининг гўзаллигидан завкланади, унга мафтун бўлади, кийик ва айиклар овлади.

1931 йил 12 ноябрида ёзувчининг учинчи ўғли Грегори Хэнкок Хемингуэй Канзас Ситида дунёга келади. Паулиннинг тоғаси уларга Ки Вестдан уй сотиб олиб беради.

Энди ёзувчи ва унинг рафикаси Шаркий Африка сафарига 1933 йили отланадилар. Ун hafta давом этган сафар чоғида адиб "Green hills of Africa", "The snow of Kilimanjaro" асарлари учун фактик материаллар тўплади. Улар Момбаса, Найроби, Мачакос (Кения) Танганйикага боришади. Хемингуэй ич ўтки касалига дучор бўлади ва самолётда Найробига олиб кетилади.

1936-йили ёзувчи журналист Марта Гелхорн билан учрашади ва унга Испаниядаги фукарлар уруши хақида Шимолий Америка газетаси учун мақола ёзиб беришга розилик билдиради. Март ойида у Испанияга келади ва даниялик профессор Жорис Ивенс билан фильм сценарийи ёзадилар. 1937 йилнинг охирларида Хемингуэй Марта билан Мадриддалиги чоғида "The Fifth Column" номли пьесасини ёзади.

1939 йилнинг бахорида Хемингуэй Кубага отланади ва Гаванада Алийос Мундос мехмонхонасида кўним топади. Тез орада Марта хам Кубага етиб келади. Паулин билан ажрашгандан сўнг у Мартага 1940 йил 20 ноябрда уйланади. (Вайоминг штати).

Гелхорн ёзувчини "For whom the Bell tolls" асарини ёзишга ундайди. 1939 йил март ойидан бошлаб, 1940 йил июль ойида тугаллайди, октябрь

ойида эса асар нашр этилади. Қизиги шуки, ушбу асар Куба, Вайоминг ва Сан Валлига килган сафарлари чоғида яратилади. Асар ўқувчилар эътиборига ўша захотиёк тушади, бир ой мобайнида 500.000 нусха сотилади. Ушбу асар учун Пулитзер мукофотиغا сазовор бўлади. 1941 йил январь ойида ёзувчи ва Марта Хитойга сафар киладилар. Лекин кўп ўтмай улар АҚШ томонидан уруш эълон қилингунга қадар Кубага қайтадилар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида адиб (1944 йилнинг июнь, декабрь ойларида) Европада бўлди. У Полковник Чарльз Бак Ланахам ҳам қўл остидаги 22-армия сафида харбий корреспондент сифатида хизмат қилди. Кейинрок Париж ташқарисидаги кишлок полицияси сафида юрди. 1944 йил охирларида Хуртгепвалддаги беаёв жангларида катнашади. Ун еттинчи декабрда Хемингуэй ўпкаси шамоллаб, истмалаб Люксембургга олиб келинади.

Иккинчи жаҳон уруши давридаги жасорати учун ёзувчи 1947 йили "Бронза юлдузи" билан тақдирланади.

Англияга келиб у "Times Magazine" мухбири Мэри Велш билан Лондонда учрашади. Марта эрининг самолётда Лондонга келишига изнини ололмагач, портловчи ўк-дорилар тўла кемада Лондонга келади. Хемингуэйни автомобиль халокатидан кейин касалхонасида даволанаётган ҳолатда топади. Улар эр-хотинлик муносабатларига 1945 йил Мартида нуқта қўядилар. Кубага қайтишдан аввал у Мэри Велш билан учинчи учрашувда унга турмушга чиқишини сўрайди. Ёзувчи 1942 - 1945 йиллар оралигида ишсиз юрди. 1946 йили ёзувчи Мэрига уйланади.

Урушдан кейинги йилларда икковлари кўп бахтсиз ходисаларга дуч келадилар, кўп бетоб бўладилар. 1945 йилда йўл халокати натижасида мажакланади, пешонаси кейин чап тўпигини синдириб олади. 1947 йилда ёзувчининг ўгиллари Пэтрик ва Грегорилар ҳам йўл халокатига учрайдилар. Ижодкор дўстларининг ўлими Хемингуэйни изтиробга солади, 1939 Хемингуэйнинг биринчи романи ҳақида Нью Йорк Таймс 1926 йилда қуйидагиларни ёзади: "Қуёш яна чиқади" романи ҳақида кўплаб таҳлиллар

мавжуд, лекин уларнинг ҳеч бири асарнинг сифати ҳақида тўла тасаввур бера олмайди. Ҳақиқатдан ҳам асар ўқувчини ўзига мафтун этади. Ёзувчининг баёни адабий инглиз тилини ҳам уялтириб қўяди. Унинг асосида юзлаб янги романлар дунёга келди. [18, 64]

Хенри Лунс Гейтснинг эътирофича, Хемингуэйнинг услуби жаҳон урушига акс садо сифатида шаклланди, унинг асарларида бош гоё аниқланди. Бунда энг муҳим ёки энг кичик деталлар тўғридан-тўғри, очиқ ифода этилмайди.

Э. Хемингуэй сўзлари билан айтганда "Агар ёзувчи нима ҳақида ёзаётганини етарли даражада билса, у билган нарсаларни ташлаб кетиш мумкин. Агар ёзувчи ҳақиқий нарсалар ҳақида ёзаётган бўлса, ўқувчи ўша нарсаларни гўёки ёзувчи баён этиб берадигандек ҳис этади. "Айсберг" ҳаракатининг кадр-киммати унинг саккиздан бир қисми сув устида эканлигидадир. Ёзувчи билмаган нарсаларини ташлаб кетса, у ёзувда бўш жойларни қолдиради (Хемингуэй, "Кундузи содир бўлган ўлим").

Унинг асарларида фактлар сув устида қалқиб туради, унга ёрдамчи структура ва символизм кўзга кўринмаган ҳодда таъсир кўрсатади. Узининг "Қиска хлқоялар ёзиш санъати" номли мақоласида "Оз бўлсада ҳақ нарсаларни топдим. Агар сиз муҳим нарсаларни воқеаларни (биладиган) ташлаб кетсангиз ҳикоя қучаяди, агар билмаган нарсаларингизни ёзмай кетсангиз ҳикоя ўз қимматини йўқотади". [22,42]

Бенсон Хемингуэй ҳаёт ҳақида автобиографик деталларни восита сифатида қўллашда фойдаланиганини ёзади. У асарларини "What if" (нима бўларди агар) сценарийси асосида ёзган: what if were wounded and made crazy, what would happen if I were sent to the front қабилар. Унинг асарлари синтаксисига эътибор қаратадиган бўлсак, жумлалар мураккаб эмас. Уларда эргаштирувчи боғловчилар кам. Ички тиниш белгилар (вергул, нукта вергул, чизикча, кириш сўзлар) кўпинча баёнда ташлаб кетилади. Баёнлар асосан содда, қиска, дарак гаплардан иборат.

Шунингдек, вокеалар баёнида ёзувчи бир воқеадан кескин иккинчисига ўтиш, кейин яна унга қайтиш услубини кўп кўллайди.

Асарларида ёзувчи вергул (,) ўрнига “and” боғловчисини кўп кўллайди. Бу жумлалар ва улар ифодалаган воқеликлар узвийлигини таъминлашга хизмат қилган.

Танкидчилар айтганидек, ёзувчининг нияти хиссиётларни йўқ қилиш эмасди, балки уни кўпроқ илмий ва ҳаққоний тасвирлаш эди.

Хемингуэй асарларида Америка гарби мавзуси Испания, Швейцария, Африка тоғлари ва Мичиган сойлари мавзуси билан қоришиб кетган. Бунда табиат унинг таркибий қисми ҳисобланади.[25, 21]

Хемингуэй асарларида, асосан ҳикояларида, эркак зотини улуглагани, аёл зотини эса севги қули деб тасвирлашга ҳаракат қилганлигини кузатамиз. Бунинг учун у танкидчилар томонидан "ҳалқнинг биринчи рақамли душмани" деб гап ном олган.

Демак, ёзувчи асарлари табиат гўзалликлари, жамият, табиат, ҳайвонот ва инсоният дунёлари ўртасидаги муносабатлар, уруш, севги ва уларнинг оқибатларига чизгилар сифатида намоён бўлади.

Ёзувчи илгари сурган асосий ғоя табиат инсон ва ҳаётни кадрлаш, эзгулик ғояларидир. Қахрамонлар эса турли мавқе, амал, билим ва ҳаётий тажрибага эга инсонлардир. Улар орасида ижобий ва салбий образлар мавжуд.

1.2. Э.М.ХЕМИНГУЭЙ “АЙСБЕРГ” ТАМОНИГА АСОСЛАНГАН АСАРЛАР АСОСЧИСИ.

Эрнест Миллер Хемингуэй энг машхур роман ёзувчиларидан бири сифатида каралса-да, бошка таникли ёзувчилар қатори яратган асарлари борасида танкидларга учраган. Унинг баъзи замондошлари унинг асарларида инсонга хос хиссиётлар, хаяжонлар мавжуд эмаслиги хакида ёзишган. Учинчи бир гуруҳ танкидчилар унинг асарлари инсонда хис-хаяжонни уйғотади. Улар ўртасида зиддиятли холатлар мавжуд бўлиб, хиссиётлар, ачиниш хислари инсон ички дунёсида кечади-ки, улар гўёки ноэмоционал холатлар сифатида намоён бўлади.

Хемингуэй асарларини ўқиш давомида ўқувчи диққат-эътиборини муваффақиятли тарзда жалб этиш қобилиятига, иктидорига эга бўлган. У асардаги воқеаларнинг, қахрамонларнинг арзимаган қирраларига ҳам эътибор қаратган, воқеалар тизимини махорат билан баён эта олган. У ўқувчиларда кутилмаган акс таъсир ва таасуротларни пайдо қила олган, буни кўпчилик тан олади.

Ёзувчини дунёга машхур қилиш пилапоясидан бир қадам олға босишга бир томондан Хэдли томонидан жомадонда йўқотиб қўйилган ва 1933 йил 10-майида ёқиб юборилган қўлёмалари бўлган.

Унинг дастлабки яратган асарлари хаттоки ота-оналарига ҳам ёкмаган. Улар назарида Эрнест уятсиз, кўпол услубда ёзган ва улар бундан аччикланиб, бир неча асарларини муҳаррирларга қайта ишлаш учун бир неча маробата қайтаришган. Лекин бу ноёб услубнинг ҳам ўз ўқувчилари, тарафдорлари бор эди.

Унинг ёзиш услуби акл-идрок, тафаккур, билим, хаётий тажриба ва фикрлаш асосига қурилган услуб эди. Юкорида айрим танкидчиларга ёзувчи услубининг ёкмаганлиги улар асардаги воқеаларни тўғри ва аник мушохада қилиш имкониятларига эга эмаслиги деб тушунганлар.

Агар Эрнест Хемингуэйнинг Америка адабиётига колдирган мероси

нима деб сўрашса, биз ёзувчининг ўзига хос услуби унинг меъросидир деб жавоб берган бўлур эдик.

Хемингуэйнинг ёзувчи сифатидаги энг мухим томони шундаки, ёзувчи асарларини "Айсберг" тамойили асосида ёзган. "Айсберг" тамойилининг мохияти шундаки, муз тоғнинг биргина кисми сув устуда кўриниб туради, лекин унинг асосий кисми сув остида бўлади. Шундан келиб чикиб, Хемингуэй асарларида воқеаларни ипидан — игнасигача ўқувчига баён этиб беришни лозим топмайди, аксинча у воқеанинг бир кисмини ўқувчига баён этади, унинг колган кисмини ўқувчи ўз билими, тажрибаси, тафаккурига таяниб мушохада этади, тахлил этади, фикрлайди ва билиб олади. Бунинг учун ўқувчи кенг дунёкарш, хаётий тажриба, билимларга эга бўлиши баробарида воқеликни ижодий фикрлай олиш оркали тахдил кчла олиш фазилатларига эга бўлиши зарур.

Хемингуэйни тушуниш учун ўқувчи - ёзувчи даражасида фикрлаши давр рухи ва мухитини тўғри англаши, халқ урф-одатлари, кадриятлари, тарихини яхши билиш лозм.

Хемингуэйнинг биринчи романи хакида Нью Йорк Таймз 1926 йидда куйидагиларни ёзади: "Қуёш яна кўтарилади" романи хакида кўплаб тахлиллар мавжуд, лекин уларнинг ҳеч бири асарнинг сифати хакида тўла тасаввур бера олмайди. Ҳақиқатдан ҳам асар ёзувчини ўзига мафтун этади. Ёзувчининг баёни адабий инглиз тилини ҳам уялтириб кўяди. Унинг асосида юзлаб янги романлар дунёга келди".

Хенри Лунс Гейтснинг эътирофича, Хемингуэйнинг услуби жаҳон урушига акс садо сифатида шаклланди, унинг асарларида бош ғоя аниқланди. Бунда эиг мухим ёки энг кичик деталлар тўғридан-тўғри, очик ифода этилмайди.

Э.Хемингуэй сўзлари билан айтганда "Агар ёзувчи нима хақида ёзаётганини етарли даражада билса, у билган нарсаларни ташлаб кетиш мумкин. Агар ёзувчи хақиқий нарсалар хақида ёзаётган бўлса, ўқувчи ўша нарсаларни гўёки ёзувчи баён этиб берадигандек хис этади. "Айсберг"

харакатининг кадр-киммати унинг саккиздан бир қисми сув устида эканлигидадир. Ёзувчи билмаган нарсаларини ташлаб кетса, у ёзувда бўш жойларни коддиради (Хемингуэй, "Кундузи содир бўлган ўлим").

Унинг асарларида фактлар сув устида калкиб туради, унга ёрдамчи структура ва символизм кўзга кўринмаган холда таъсир кўрсатади. Ўзининг қиска хлқоялар ёзиш санъати мақоласида "Оз бўлсада ҳақ нарсаларни топдим. Агар сиз муҳим нарсаларни воқеаларни (биладиган) ташлаб кетсангиз ҳикоя кучаяди, агар билмаган нарсаларингизни ёзмай кетсангиз ҳикоя ўз кимматини йўқотади".

Бенсон Хемингуэй ҳаёт ҳақида автобиографик деталларни восита сифатида қўллашда фойдаланиганини ёзади. У асарларини "What if" (нима бўларди агар) сценарийси асосида ёзган: what if were wounded and made crazy, what would happen if I were sent to the front қабилар. Унинг асарлари синтаксисига эътибор қаратадиган бўлсак, жумлалар мураккаб эмас. Уларда эргаштирувчи боғловчилар кам. Ички тиниш белгилар (вергул, нукта вергул, чизикча, кириш сўзлар) кўпинча баёнда ташлаб кетилади. Баёнлар асосан содда, қиска, дарак гаплардан иборат.

Шунингдек, воқеалар баёнида ёзувчи бир воқеадан кескин иккинчисига ўтиш, кейин яна унга қайтиш услубини кўп қўллайди.

Асарларида ёзувчи вергул (,) ўрнига "and" боғловчисини кўп қўллайди. Бу жумлалар ва улар ифодалаган воқеликлар узвийлигини таъминлашга хизмат қилган.

Танкидчилар айтганидек, ёзувчининг нияти хиссиётларни йўқ қилиш эмасди, балки уни кўпроқ илмий ва ҳаққоний тасвирлаш эди.

Хемингуэй асарларида Америка гарби мавзуси Испания, Швейцария, Африка тоғлари ва Мичиган сойлари мавзуси билан қоришиб кетган. Бунда табиат унинг таркибий қисми ҳисобланади.[25, 21]

Хемингуэй асарларида, асосан ҳикояларида, эркак зотини улуглагани, аёл зотини эса севги қули деб тасвирлашга ҳаракат қилганлигини кузатамиз.

Бунинг учун у танкидчилар томонидан "халқнинг биринчи рақамли душмани" деб гап ном олган.

Демак, ёзувчи асарлари табиат гўзалликлари, жамият, табиат, ҳайвонот ва инсоният дунёлари ўртасидаги муносабатлар, уруш, севги ва уларнинг оқибатларига чизгилар сифатида намоён бўлади.

Ёзувчи илгари сурган асосий гоё табиат инсон ҳаётни кадрлаш, эзгулик гоёларидир. Қаҳрамонлар эса турли мавқе, амал, билим ва ҳаётий тажрибага эга инсонлардир. Улар орасида ижобий ва салбий образлар мавжуд. Улар ҳақида кейинги бобларда батафсил сўз юритамиз.

1.3. АДИБ ҲАЁТ ВА ИЖОД ХУСУСИДА ХОТИРАЛАР

Адабиёт ихлосмандлари орасида Э.М. Хемингуэй номини билмаган ўқитувчи бўлмаса керак. Э.М. Хемингуэй XX аср Америка адабиётининг йирик намоёндаларидан бири бўлиб, унинг адабий асарлари Америка мумтоз адабиётининг дурдоналари ҳисобланади. У сермахсул ёзувчи сифатида ҳам Америка адабиётида тарихида алоҳида ўрин тутади.

Эрнест Хемингуэй 1899 йил 21 июлда Иллинойс штатининг Чикаго шаҳрига яқинида Оук Парк шаҳрида таваллуд топади. У зиёли оиласида дунёга келади. Эрнест отаси Кларенс Эдмондс Хемингуэй шифокор, онаси Грейс Хом – Хемингуэй созанда эди.

Улар обрўли эътиборли, маърифатли инсонлар эди. Улар, 1896 йили турмиш курадилар ва Грейсинг отасини уйига кўчиб ўтадилар. Улар биринчи ўглига Грейс отасининг исмини берадилар. Бобосини исми Эрнест Хол эди. Бахтга қарши умр бўйи ёзувчи ўз исмини ёқтирмай яшади. Ёзувчи бу исмига Оскар Уайльднинг “The importance of being Ernest” пьесасидаги гўл ва тентак қаҳрамон исмига тенглаштиради.

Хемингуэйлар оиласи етти ётоқхона, муска ва тиббий хизмат кўрсатиш хонасидан иборат шинамгина уёда истқомат қилишади.

Ўспиринлик йилларида Эрнест Фанни Бигздан журналистика бўйича сабоқлар олди. Эрнест ва Марселин биргаликда мактабнинг "The Trapeze" газетасига мақола ва хикоялар ёзиб турдилар, Эрнестнинг биринчи мақоласи Чикаго симфоник оркестрининг Оук Паркдаги концертига бағишлаган бўлиб, у 1916 йил январ ойида нашр этилди. Шундай қилиб, у мактаб газетасига мақолалар ёзди, унга мухаррирлик қила бошлади. Унинг тили спорт репортерлари тилига яқин эди. У ўзига Ринг Ларднер тахаллусини танлади. Ринг Ларднер "Чикаго Трибюн" газетаси мухаррири эди. [8, 78]

Марк Твейн, Стивн Крейн, Теодор Драйзер, Синклэя Льюслар каби Хемингуэй романлар ёзишдан аввал журналист ва кореспондент сифатида фаолият олиб борди.

Олий мактабни тугатиб у "The Kansas City" газетасида мухбир сифатида ишлайди. У ерда факатгина 6 ой ишлаган бўлса-да, газета услубини ўрганди. Қиска ганлардан фойдаланиш, қиска парафафларни ишлатиш, инглиз тилини тўғри кўллаш каби махоратларни эгаллади. [4, 88]

1918 йилнинг бошларида у Қизил Хож мурожаатига лаббай деб жавоб бериб Италияда шошилиш тиббий ёрдам машинаси хайдовчиси бўлишга рози бўлади. Май ойида Нью-Йоркни тарк этади ва Парижга келади. Ўша пайтда сахар немислар томонидан тўпга тутилаётган эди. Июнь ойига келиб Хемингуэй Италия фронтига келади, ташрифининг биринчи куниёк Милан шаҳридаги Курол аслахалар ишлаб чиқарувчи фабрикада содир бўлган портлаш жойига боради, у ерда фабрика ишчилари тана аъзолари бўлакларини кўради. Бу мудхиш ва дахшатли манзарани у ўзиниш "Куннинг кок ўртасидаги ўлим" ("Death in the afternoon")-китобида куйидагича тасвирлайди:

"Биз ўликларни ажратиб олиб, уларнинг тана аъзолари, колдикларини йиғиб олганимизни эслайман". Бир неча кундан сўнг у фоссалта ди Пиавега бориб жойлашади. Саккизинчи июлда фронтдагиларга шоколад ва сигаретлар таркатиб кайтгач, оловда куйиб қолади. Жароҳатига карамасдан, у Италия аскарини хавфсиз жойга олиб чиқади. Бу жасорати учун Италия ҳукумати Хемингуэйнинг кумуш "Жасорат" медали билан тақдирлайди. Ўн саккиз ёшида Хемингуэй ўша воқеа хақида куйидагича ёзади. "Ёш бола туриб урушга борсанг, умр бокий бархаётлилик тасаввурига эга бўласан. Атрофингда бошқалар ўлади. Лекин сен эмас, Кейин сен жуда ёмон яраланганинда биринчи маротаба бояги ўйингни йўқотасан ва бу хол сен билан ҳам содир бўлиши мумкинлигини тушуниб етасан". [23.142]

Эрнест Хемингуэй икки оёғидан яраланди ва операция қилинади, дала касалхонасида беш кун ётади ва Миландаги Қизил Хож касалхонасига

ўтказилади. Касалхонада у олти ой ётади, у ерда Қизил Хож ҳамшираси Агнас вон Куровскини севиб қолади. Ҳамшира Эрнестдан 7 ёш катта эди. Агнес ва Хемингуэй турмуш қуришга аҳд қилишлари арафасида, Агнес Италия зобитига 1919 йилнииг март ойида унаштирилади. Бу воқеа унинг "А уегу аБой 51огу" асарига фактик материал сифатида хизмат қилди. Агнеснинг бевафолиги Хемингуэйни изтиробга солди.

1919 йилнинг бошларида уйга қайтади. Қонли тиззаларини кўрган пайтда у ўйларини ота-оналарига айта олмас эди. У бошка юртда жарроҳлар оёғидан ажраладими ёки йўқми инглизча айта олмаганди. Ўша ёзни у Миччиганда курсдош ўртоқлари билан балиқ овлаб, сайрларда бўлиб ўтказди. Сентябрь ойида бир ҳафта қишлоқда дам олади. Бу қисқа саёхат унга "Big two – hearted river" хикоясини ёзишга руҳлантирди. Бу ярим автобиографик асар қахрамони Ник Адамс урушдан қайтиб осойишта ҳаёт кечириш учун қишлоққа кетгани хақидаги хикоядир. [15, 74]

Хемингуэй анча вақт ишсиз уйда ўтирди. Хемингуэйлар оиласининг бир дўсти унга "Торонто Стар Уикли" га иш таклиф этади. Ночор Эрнест таклифни қабул қилади. Ўша йили ёзувчи, "Торонто Стар Уикли"га чет эл корреспонденти сифатида ишга қиради, кейин 1920 йил сентябр ойида у яна Чикагога дўстлари билан яшаш учун кўчиб кетади. [9, 69]

У ойлик "Cooperative Commonwealth" журнали муҳаррири ўринбосари лавозимида ишлади. У ерда Шевуд Андерсон билан учрашади. Авлиё Луислик Хэдли Ричардсон, Хемингуэй хонадошининг опаси Чикагоча келганида Эрнест уни севиб қолади. Кейинрок у шундай деб ёзади. У мен уйланадиган киз эканлигини билардим. Бу кизғиш сочли хоним Хемингуэйдан саккиз ёш каттарок эди. Шундай эсада, Хэдли ёшига караганда ёшроқ кўринарди. [12, 97]

"Хемингуэйнинг аёллари" китоби муаллифи Бернис Керт Хэдлида ёш болаларга хос сифатлар Агнесдан кўра кўпроқ жанлигини айтади. Иккала ошиқ калблар турмуш қуришга ва Европага сафар қилишга аҳд қиладилар. Улар Римга ташриф буюришни хоҳлайдилар, лекин Шевуд Андерсон уларни

Парижга боришликларини тавсия этади. Улар 1921 йил 3-сентябрь куни гурмуш курадилар. Бундан икки ой ўтиб Хемингуэй Торонто Старга корреспондент сифатида ёлланади, ёш куёв-келин Парижни тарк тгадилар. Маерснинг айтишича, Хемингуэй Хэдлига уйланиб гўзал аёлнинг севгисига, яхшигина маблаг ва Европадаги хаётига эга бўлади. Хемингуэйнинг биографи Карлос Бейкернинг ёзишича, Парижда хаёт, пул алмашинув даражаси киммат эмаслиги ва у ерда дунёдаги энг машхур кишилар билан танишиш имконияти борлигидан ҳди. Хемингуэй Гертруд Стайн, Жеймс Жойс, Эзра Паунд каби ёзувчилар билан ушрашади. Айнан мана шу ҳолатлар ёзувчилик шохсуппасига кўтарилишада муҳим туртки бўлди. Уша даврда Хемингуэй баланд бўйли, келишган, бакуват, кенг елкали, кўй кўзли, чаккалари кизил, жаги тўртбурчак, майин овозли ёш йигит эди. [4, 12]

У ва Хэдли Лотин кварталдаги Руду Кардинал Лемойн 74-уйда яшайдилар. Хемингуэй уйига якин бинодан хонани ижарага олади ва ишлайди. Хемингуэй Пабло Пикассо, Жоан Миро ва Жуан Грис каби машхур рассомлар билан танишади. Америкалик шоира Эзра Паунд Хемингуэйни тўсатдан учратиб қолади. Шоира Эрнест Хемингуэйдан 14 ёш катта эди. 1923 йили Италияга сафарлари чоғида улар калин дўстга айланадилар ва ўшанда шоира Хемингуэйнинг иктидорини кашф этади. Паунд, Т.С.Эллотнинг "The waste land" асарини нашр этиб бўлгач, Хемингуэйни Ирланд ёзувчиси Жеймс Жойсга таништиради. Хемингуэй ва Жойс бирга кўп улфатчилик қилиб юришади.

Париждаги 20 ойлик хаёти давомида Хемингуэй 88 та хикояни "Торонто Стар" учун тўплади. Бу хикоялар "Грек-турк уруши", балик овлари пайтидаги хангомалар, букалар жанги каби мавзуларга бағишланган. Гаре де Леонда Хэдли эрининг бир томондан тўла қўлёмаларини йўкотиб кўяди. Хемингуэй бундан изтиробга тушади. Бу 1922 йили содир бўлганди. Хэдли хомиладор эканлиги сабабли эр-хотин Торонтого кайтадилар. У ерда 1922 йил 10 октябрда Жон Хэдли Никанор исмли'ўғли туғилади. Улар Торонтодалик пайтида Хемингуэйнииг биринчи китоби "Theree stories on Ten

poems" нашрдан чикади. Китоб таркибига кирган икки хлкоя йўкотилган жомадондан колган кўлёмалар эди. Хикояларнинг учинчиси бахорда Италияда ёзилган эди. [10, 27]

Ойлар ўтмай адибнинг иккинчи китоби (In our times) нашр этилади. Бу тўплам йигирмага якин хикояларни ўз ичига олган эди. Улар адибнинг Испаниядаги даврида дунёга келган эди. Адиб Парижни кўмсади, Торонто у учун зерикарли туюларди. Хемингуэй журналистик хаётидан ёзувчиликка қайтишни хохлаб қолади.

Хемингуэй ва Хэдли Бамби (лакаби) исмли ўғли билан биргаликда 1924 йил январь ойида Парижга қайтадилар. Адиб Форд Мадокс Фордга мухаррирлик қилади. Унинг саҳифаларида Паунд, Жон Дас Пассос ва Гертруд Стайн асарлари, шунингдек Хемингуэйнинг хикоялари (Indian Camp) чоп этилади: " In our times " 1925 йили нашр этилганда Форд куйидаги изохларни беради. "Сатр" кўп олқишларга сазовор бўлди. Форд уни ёш ёзувчининг илк, жиддий хикояси сифатида баҳолади. [16, 58]

Хемингуэй Ф.Скот Фитзжеральд билан танишади. Улар ўртасида "завк-шавк ва душманлик", дўстлик риштаси ўрнатилади, Фитзжеральднинг ўша йили "The Great Gatsby" асари нашр этилади. Хемингуэй уни ўқийди, ёктиради ва ўзининг кейинги асари роман бўлиши керак деган фикрга келади. Лекин Америка Қўшма Штатлари танкидчилари Хемингуэй қиска хикояларини ўзининг дарак гаплари ва қаттиқ услуби билан тўлдириб юборган деб айблайдилар. [11, 32]

Хемингуэй Сан Фермин (Памплон)даги фестивалда буқалар жангидан сўнг спортга иштиёқи янада ошди. Бунда у урушнинг шафкатсизлиги беаёвлигини гўзалликка қарши кўяди.

1925 йил июн ойида Хэдли ва Хемингуэй Париждан Памплонга кетадилар. Бу сафар унинг биринчи романини (The sun also rises) ёзишга туртки бўлади. Хемингуэй ушбу романни қайта ишлаш учун олти ой вақт сарфлайди. Кўлёмма Нью-Йоркка апрель ойида етиб келади. Асарни Парижда 1926 йил августда тўла тўғрилаб бўлади. "Скрибнез" нашриёти асарни октябр

ойида нашр этади. Бу асар урушдан кейинги авлод такдирига бағишланган бўлиб, ижобий такризлар олади ва Хемингуэйнинг энг яхши асари деб эътироф этилади. Бирок, Хемингуэй кейинрок аслида умри завол бўлган авлод хакида эмаслиги, балки замин адабий асардаги қахрамонлар эса умри завол инсонлар эмас деб ёзади. [20,105]

Хемингуэй "Қуёш яна чиқади" асарини ёзаётган пайтда унинг турмуши бузилади. 1926 йил баҳорида Хэдли эрининг Паулин Пфейфер билан бўлган пинхоний севгисидан хабар топади. Парижга кайтаётиб улар ажралишга қарор қиладилар. Ноябрь ойига келиб Хэдли расман шу илтимос билан мурожаат этади. Мол-мулкларини бўлишиб, Хэдли "The sun also rises"дан қолган катта қалам ҳаққини олишга рози бўлади, расман 1927 йил январь ойида ажрашадилар. Хемингуэй Паулин Пфейферга Май ойида уйланади.

Пфейфер Арканзас штатидан бўлиб, бадавлат оила фарзанди эди. Уйланишдан аввал Хемингуэй ҳам католик динига қиради.

Асал ойидан сўнг адиб ўзининг навбатдаги қисқа ҳикоялар тўпламини яратишни режалаштиради. Бу асар "Men without women" номи остида 1927 йил октябрь ойида нашр этилади. Хемингуэй ва унинг хомиладор рафикаси Паулин Америкага кайтадилар. Уларнинг ўғли Хемингуэй Канзас Ситида туғилади.

Бу кун июнь ойининг 28 санаси эди (1928 йил). Ўша йил кузда адиб ўғли Бамби билан эди. Улар Флорида поездига ўтиришларидан аввал отаси ўз жонига қасд қилганлиги хақидаги хабарни олади, чуқур изтиробга тушади. Январь ойида Францияга кетишдан олдин у "Алвидо, Қурол!" асарининг қоралама лойиҳдсини яратади. [7,125]

1930 йиллар мобайнида адиб кишларни Ки Вестда, ёзларни Вайомингда ўтказди. У ерда Америка ғарби табиатининг гўзаллигидан завқланади, унга мафтун бўлади, кийик ва айиклар овлади.

1931 йил 12 ноябрида ёзувчининг учинчи ўғли Грегори Хэнкок Хемингуэй Канзас Ситида дунёга келади. Паулиннинг тоғаси уларга Ки Вестдан уй сотиб олиб беради.

Энди ёзувчи ва унинг рафикаси Шаркий Африка сафарига 1933 йили отланадилар. Ун хафта давом этган сафар чоғида адиб "Green hills of Africa", "The snow of Kilimanjaro" асарлари учун фактик материаллар тўплади. Улар Момбаса, Найроби, Мачакос (Кения) Танганйикага боришади. Хемингуэй ич ўтки касалига дучор бўлади ва самолётда Найробига олиб кетилади.

1936-йили ёзувчи журналист Марта Гелхорн билан учрашади ва унга Испаниядаги фуқаролар уруши хақида Шимолий Америка газетаси учун мақола ёзиб беришга розилик билдиради. Март ойида у Испанияга келади ва даниялик профессор Жорис Ивенс билан фильм сценарийи ёзадилар. 1937 йилнинг охирларида Хемингуэй Марта билан Мадриддалиги чоғида "The Fifth Column" номли пьесасини ёзади.

1939 йилнинг баҳорида Хемингуэй Кубага отланади ва Гаванада Алийос Мундос меҳмонхонасида кўним топади. Тез орада Марта ҳам Кубага етиб келади. Паулин билан ажрашгандан сўнг у Мартага 1940 йил 20 ноябрда уйланади. (Вайоминг штати).

Гелхорн ёзувчини "For whom the Bell tolls" асарини ёзишга ундайди. 1939 йил март ойидан бошлаб, 1940 йил июль ойида тугаллайди, октябрь ойида эса асар нашр этилади. Қизиги шуки, ушбу асар Куба, Вайоминг ва Сан Валлига килган сафарлари чоғида яратилади. Асар ўқувчилар эътиборига ўша захотиёк тушади, бир ой мобайнида 500.000 нусха сотилади. Ушбу асар учун Пулитзер мукофотига сазовор бўлади. 1941 йил январь ойида ёзувчи ва Марта Хитойга сафар киладилар. Лекин кўп ўтмай улар АҚШ томонидан уруш эълон қилингунга қадар Кубага қайтадилар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида адиб (1944 йилнинг июнь, декабрь ойларида) Европада бўлди. У Полковник Чарльз Бак Ланахам ҳам кўл остидаги 22-армия сафида харбий корреспондент сифатида хизмат қилди. Кейинрок Париж ташқарисидаги кишлок полицияси сафида юрди. 1944 йил охирларида Хуртгепвалддаги беаёв жангларда катнашади. Ун еттинчи декабрда Хемингуэй ўпкаси шамоллаб, истмалаб Люксембургга олиб келинади.

Иккинчи жахон уруши давридаги жасорати учун ёзувчи 1947 йили "Бронза юлдузи" билан тақдирланади.

Англияга келиб у "Times Magazine" мухбири Мэри Велш билан Лондонда учрашади. Марта эрининг самолётда Лондонга келишига изнини ололмагач, портловчи ўк-дорилар тўла кемада Лондонга келади. Хемингуэйни автомобиль халокатидан кейин касалхонасида даволанаётган ҳолатда топади. Улар эр-хотинлик муносабатларига 1945 йил Мартида нуқта қўядилар. Кубага қайтишдан аввал у Мэри Велш билан учинчи учрашувда унга турмушга чиқишини сўрайди. Ёзувчи 1942 - 1945 йиллар оралигида ишсиз юрди. 1946 йили ёзувчи Мэрига уйланади.

Урушдан кейинги йилларда икковлари кўп бахтсиз ходисаларга дуч келдилар, кўп бетоб бўладилар. 1945 йилда йўл халокати натижасида мажакланади, пешонаси кейин чап тўпигини синдириб олади. 1947 йилда ёзувчининг ўгиллари Пэтрик ва Грегорилар ҳам йўл халокатига учрайдилар. Ижодкор дўстларининг ўлими Хемингуэйни изтиробга солади, 1939 Хемингуэйнинг биринчи романи ҳақида Нью Йорк Таймз 1926 йилда қуйидагиларни ёзади: "Қуёш яна чиқади" романи ҳақида кўплаб таҳлиллар мавжуд, лекин уларнинг ҳеч бири асарнинг сифати ҳақида тўла тасаввур бера олмайди. Ҳақиқатдан ҳам асар ўқувчини ўзига мафтун этади. Ёзувчининг баёни адабий инглиз тилини ҳам уялтириб қўяди. Унинг асосида юзлаб янги романлар дунёга келди. [18, 64]

Хенри Лунс Гейтснинг эътирофича, Хемингуэйнинг услуби жахон урушига акс садо сифатида шаклланди, унинг асарларида бош гоё аникланди. Бунда энг муҳим ёки энг кичик деталлар тўғридан-тўғри, очик ифода этилмайди.

Э. Хемингуэй сўзлари билан айтганда "Агар ёзувчи нима ҳақида ёзаётганини етарли даражада билса, у билган нарсаларни ташлаб кетиш мумкин. Агар ёзувчи хақиқий нарсалар ҳақида ёзаётган бўлса, ўқувчи ўша нарсаларни гўёки ёзувчи баён этиб берадигандек ҳис этади. "Айсберг" ҳаракатининг қадр-қиммати унинг саккиздан бир қисми сув устида

эканлигидадир. Ёзувчи билмаган нарсаларини ташлаб кетса, у ёзувда бўш жойларни колдиради (Хемингуэй, "Кундузи содир бўлган ўлим").

Унинг асарларида фактлар сув устида калкиб туради, унга ёрдамчи структура ва символизм кўзга кўринмаган ходда таъсир кўрсатади. Узининг "Қиска хлқоялар ёзиш санъати" номли мақолада "Оз бўлсада ҳақ нарсаларни топдим. Агар сиз муҳим нарсаларни воқеаларни (биладиган) ташлаб кетсангиз хикоя кучаяди, агар билмаган нарсаларингизни ёзмай кетсангиз хикоя ўз қимматини йўқотади". [22,42]

Бенсон Хемингуэй ҳаёт ҳақида автобиографик деталларни восита сифатида қўллашда фойдаланиганини ёзади. У асарларини "What if" (нима бўларди агар) сценарийси асосида ёзган: what if were wounded and made crazy, what would happen if I were sent to the front қабилар. Унинг асарлари синтаксисига эътибор қаратадиган бўлсак, жумлалар мураккаб эмас. Уларда эргаштирувчи боғловчилар кам. Ички тиниш белгилар (вергул, нукта вергул, чизикча, кириш сўзлар) кўпинча баёнда ташлаб кетилади. Баёнлар асосан содда, қиска, дарак гаплардан иборат.

Шунингдек, воқеалар баёнида ёзувчи бир воқеадан кескин иккинчисига ўтиш, кейин яна унга қайтиш услубини кўп қўллайди.

Асарларида ёзувчи вергул (,) ўрнига "and" боғловчисини кўп қўллайди. Бу жумлалар ва улар ифодалаган воқеликлар узвийлигини таъминлашга хизмат қилган.

Танқидчилар айтганидек, ёзувчининг нияти хиссиётларни йўқ қилиш эмасди, балки уни кўпроқ илмий ва ҳаққоний тасвирлаш эди.

Хемингуэй асарларида Америка гарби мавзуси Испания, Швейцария, Африка тоғлари ва Мичиган сойлари мавзуси билан қоришиб кетган. Бунда табиат унинг таркибий қисми ҳисобланади.[25, 21]

Хемингуэй асарларида, асосан ҳикояларида, эркак зотини улуглагани, аёл зотини эса севги қули деб тасвирлашга ҳаракат қилганлигини кузатамиз. Бунинг учун у танқидчилар томонидан "ҳалқнинг биринчи рақамли душмани" деб гап ном олган.

Демак, ёзувчи асарлари табиат гўзалликлари, жамият, табиат, хайвонот ва инсоният дунёлари ўртасидаги муносабатлар, уруш, севги ва уларнинг оқибатларига чизгилар сифатида намоён бўлади.

Ёзувчи илгари сурган асосий гоё табиат инсон ва ҳаётни кадрлаш, эзгулик гоёларидир. Қахрамонлар эса турли мавқе, амал, билим ва ҳаётий тажрибага эга инсонлардир. Улар орасида ижобий ва салбий образлар мавжуд.

Биринчи вариантни ёзаётганимда Канзас-Ситида ўғлим Патрик тугилди. Уни онасининг қорнини ёриб олдилар. Мен Оук-Паркда, Иллиноисда, сўнгги вариант устида ишлаётганимда отам ўзини отиб кўйди. Бу китобни тугатганимда хали ўттизга кирмагандим. У бир биржада бухрон рўй берган кун дунё юзини кўрди. Мен доим отам шошди, деб ўйлайман, бироқ, балки унинг сабр косаси тўлиб кетгандир отамни ниҳоятда севардим. Шунинг учун у ҳақда бир нарса деб мулоҳдза юритиш менга кийин.

Мен барча ушбу вокеларни ва ўзимиз яшаган жойларни ўша йили бўлган яхши-ёмон гапларни ҳаммасини эслайман. Лекин ҳаммасидан ҳам китобда яшаган ҳаётимни, ўзим кун-бакун тўкиб чиқарган ҳаётни яхшироқ хотирлайман.

Шу мамлакат, шу одамлар ва уларнинг бошидан кечирганларни тўқир эканман, дунёда мenden ҳам бахтлироқ одам йўқ эди. Ҳар куни мен ёзилганларни бир бошдан ўқиб чиқар ва шундан сўнг давом этгарар ва ҳар куни яхши ёзиб турганимда, бундан буёғига нима ёзишим маълум бўлган бир пайтда ишни тўхтатар эдим.

Китоб фожеа билан тугаётгани мени ранжитмасди. Чунки, мен умуман ҳаёт-фожеадан иборат, унинг ҳамма кўчалари бир жойга олиб боради деб билардим. Бироқ ёза олишингдан, езганда ҳам ҳаққоний қилиб, кейин ўзинг ўқиганда ҳам лаззатланадиган қилиб ёза олишингдан ва ҳар кунингни мана шу ёқимли иш билан бошлашда қувончлироқ нарса йўқ бўлса керак. Бунинг олдида бошқа ҳамма нарса арзимас гаплардир.

1926-йилда бир романим чиққан эди. Лекин уни ёзган пайтларим хали роман устида кандай ишлаш кераклиги ини мутлако билмас эдим. Мен жуда хам тез ёзар ва айтадиган гапим колмаганида тўхтар эдим. Шунинг учун биринчи варианты жуда хам ёмон чиқди. Мен уни ярим йилда ёзиб тугатдим. Кейин мутлоқо кайтадан кўчириб чиқдим. Лекин кайта ишлаётганда мен жуда кўп нарсаларни ўргандим.

Ноширим, Чарльз Скрибнер отларнинг яхши ёмонини ажратишга уста, нашриёт ишлари хакида нимани билиш керак бўлса, барини эхтимол билса хам керак, ўрганмаган кулокка гарчи ғалати эшитилсада, китобларни хам унча мунча тушунади, мендан безакларга кандай карайсиз, китобингизни безакли килиб чиқарсак, розимисиз, деб сўраб колди.

Агар рассом ёзувчидан ўз ишининг устаси бўлмаса, бунга жавоб бериш осон бўлади, чунки ёзувчи ўзи жонли гувоҳ бўлиб кўрган - билган ходисаларни, мамлакатларни, нарсаларни булардан беҳабар бир кимса томонидан билар-билмас акс эттирилишига сира рози бўла олмайди.

Агар мен воқеаси Багам оролларида кечадиган роман ёзганимда эди, мен унинг безакларини Уинсолу Хомер ишлашини истаган бўлардим, бироқ шундаям уйдан бир иарсани безашни эмас, Багам оролларини ва у ерда кўрганларини чизишни сўраган бўлардим. Агар мен Мопассан бўлганимда (кани эди ундай бўлиш ўликларга хам тирикларга хам насиб бўлса) мен ўз китобларимга безак сифатида Тулус Лотрекнинг расм ва еуратларини, Ренуар умрининг ўртасида чизган айрим пленерларини олган бўлар эдим. Норман табиати манзараларига эса ҳеч кимнинг кўлини урдирмаган бўлар эдим, чунки ҳеч бир рассом бунда у билан тенглаша олмасди.

Агар фалон пистон ёзувчи бўлганимда дейиладиган бўлса уларга муносиб рассомларни топса бўларди. Лекин у ёзувчилар ҳозир бўлмаганларидай, у рассомлар хам ҳозир ўлиб кетишган. Макс Перкинс ва яна бошқа кўплар хам ўтган йил ўтиб кетишди. Бу йилининг шуниси яхшики, олдинда бизни кандай айрилиқлар кутаётган бўлмасин, у ўтган йилдан кура ёмонроқ бўлмайди, ёки 1944-йил, ёки 1945-йил эрта киш ва кўклам

чоғларичалик ёмон бўлмас. Булар айриликларнинг мўл хосилалари кўтарилган йиллар эди.

Биз ушбу йилни ўртада пул йигиб шампан сотиб олиб Санвеллийда, Айдахо, кутиб олганимизда кимдир бир ўйин таклиф қилди: тортилган аркон ёки ёғоч калтак тагидан елкада судралиб ўтиш керак эди, ўтаётганда ҳеч қаерингиз аркон ёки таёкка тегиб кегмаслиги шарт килинганди. Мен бир бурчакда Ингрид Бергман билан халфана шампанини ичиб ўтирардим. Унга дедим: "Қизим, бу йил йилларнинг энгхугургани бўлади".

Мисс Бергман нега, ундай деб ўйлайсиз, дейди. Унга ҳозирча ҳамма йиллар бир биридан яхши бўлиб келган. Шунинг учун менинг фикримга кўшилиши кийин эди. Мен сўзга бой эмасман, сўзнинг кифтини келтириб гапираолмайман, шунинг учун бунинг сабабларини сизга батафсил тушунтириб бера олмайман, лекин катор, бир-бирига боғланмаган, аломатларга караганда, яхшилик бўлишини кутиш кийин, таёкнингми, арқоннингми тагидан ўрмалаб ўтаётган бойваччаларнинг кўриниши ҳам яхшиликдан дарак бермайди, дедим шу билан гапни тугатдим.

Шундай қилиб, бу китоб биринчи марта 1929-йилда, Нью - Йорк биржасида талофат юз берган майдонга чикди. Безакли нашри кузда чиқиши керак эди. Бу вақт ичида Скотт Фицжеральд, Том Вулф, Жойс вафот этади. У биографлари томонидан ўйлаб ёзилган Жойсга сира ўхшамайди, антика ўртоғимиз эди. Бир куни у ичиб ўтирганимизда, менинг китобларим сизга жуда ҳам ибтидоий бўлиб кўринмайдими, деб сўрагани, Жон Бишоп, Скотт Фицжеральд, Том Вулф ўлди, Жи Жойс Макс Перкинс вафот этди. Ўлиши керак бўлган яна бир канча одамлар ўлиб кетишди, бир хиллари Милан бензоколонкаларида оёқларидан осилдилар, бошқалари яхшими, ёмонми бомбардимон килинган немис шаҳарларида осиб кўйилди. Қанчадан қанча номаълум , номсиз , нишонсиз , бироқ ҳаётни жуда ҳам севган кишилар йўқ бўлиб кетишди.

Бу китоб "Алвидо курул" деб аталади, у ёзилганидан кейинги уч йилдан буёғига ер юзининг қаеридадур тўхтовсиз уруш бўляпти. Кўплар

ўшанда нега бу одам мунча уруш билан банд бўлиб кетди, деб хайрон бўлиб юршшанди, лекин 1933-йилдан кейин чидиликда хаттоки улар га ҳам ёзувчи одам сурбетларча қилинаётган муттасил кирғинларга, разил жиноятлар билан тўла урушларга ҳеч қачон бефарқ қараб туrolмаелиги равшан бўлиб қолди. Мен кўп урушларда қатнашдим, шунинг учун бу масалада гаразим қаттиқ хатто жуда ҳам қаттиқ. Бу китобнинг муаллифи онгли суратда шу фикрга келдики, урушларда жанг қилаётган одамлар дунёдаги энг ажойиб одамлардир. Фронтнинг кизгин қисмларига кириб борганинг сари бундай ажойиб кишиларга дуч кела бошлайсан. Лекин урушни бошлаганлар, унинг оловига яна олов ташлаб турганлар иқтисодий рақобатдан, фойда ундиришдан бошқа нарсани ўйламайдиган тўнғизлардир.

Мен урушда бойлик орттирганлар, уруш оловини ёккандар урушниш биринчи кунлариданок мамлакат фуқароларининг мухтор вакиллари томонидан отиб ташлапмоғи зарур, деб ҳисоблайман.

Бу китобнинг муаллифи агар жангга кетаётганлар унга лутфан топширсалар, бунаканги отиб ташлаш бўладиган бўлса, уни ташкил этишни ўз зиммасига жон жон деб олган бўлур эди ва бу ишнинг ҳаммаси имкони борича одамийлик ва ахлоқ-одоб доирасидан чиқмай адо этилишига (ахир отилаётганлар орасида ҳар хил одамлар бўлиши мумкинми) ҳамда уларнинг жасоратлари, шубҳасиз, дафн этилишига риоя қилган бўлурди. Хаттоки уларни целлофанда ёки шунга ўхшаш бироз замонавий синтетик нарсада ўраб кўмилишига ҳам қаршилик қилмасди. Мабодо, охири бориб бошланган урушда меинг ҳам ҳиссам борлиги аниқлагудек бўлса, қанчалик қайгули бўлмаеин, майли, мени ҳам ўша ўкчилар взводи отиб ташлашсин кейин мени ҳам истасалар целлофанга ўраб ёки ўрамасдан кўмсинлар, ёхуд менинг урён танимни тоғ ёнбағридан улоқтириб юбора қолсинлар. Розиман.

Шундай қилиб, орадан йигирма йилча ўтди, бинобарин, мана сизга китоб ва мана унга сўз боши.

Финка-Вижия, Сан - Франциско - де - Паула, Куба 30 июнь 1948 йил.

"Қуеш барибир чиқаверади" Эрнест Хемингуэйнинг асосий романларидан бири.

Йигирманчи аср жахон адабиёти хазинасига дурдоналар кўшган Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэй ўз асарларида замоннинг мухим муаммоларини кўтарган, Америка оламининг иллатларини хакконий кўрсатган буюк санъаткор эди. У "Қуеш барибир чиқаверади" ("Фиеста") романида ғарбдаги мактаб бўсагасидан биринчи жахон урушининг конли гирдобига ташланган авлоднинг заволини, гам ташвишларини фожиавий қисматини мохирона тасвирлаган.

Авлод ўтади, авлодлар келади, ер эса бокий қолади. Қуёш чиқади, қуёш ботади. У яна чиқадиган макон сари ошиқади. Шамол жанубга шошади, шимолга ҳам ўтади, йўлларида гирдоб билам елади, яна ўз канорасига қайтади. Дарёларнинг хаммаси денгизга оқади, лекин денгиз тўлиб тошиб кетмайди. Дарёлар оқа бошлаган жойларга яна оккани қайтиб келадилар.

Асар Роберт Кон исмли шахс ҳақида ва унинг ўз ватани ва оиласи учун курашишни ва ватани, оиласи учун жонини фидо қилиши ва ўз холича инсонларга яшашни ўргатишни хоҳлайди. Шунинг асосида асардаги қуйидаги фикр келтирилади.

- "Биз ўз холимизча яшашни истаймиз, - дедим мен. БУ биримизнинг мартабамизга зиён етишини истамаймиз, - деди Брет. - қани туринглар бу ердан кетайлик. Шу фикрлардан маълум бўлдики Эрнест Хемингуэйнинг "Алвидо қурол" асаридаги Роберт Кон қахрамони орқали инсонларнинг ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмастликларини ва бошқаларнинг мансабларига зиён, ҳавф етказмасликларини истаган.

It was dusk when the priest came. They had brought the soup and afterward taken away the bowls and I was lying looking at the rows of beds and out the window at the tree- top that moved a little in the evening breeze. The breeze came in through the window and it was cooler with the evening. The flies were on the ceiling now and on the electric light bulbs that hung on wires. The lights were only turned on when some one was brought in at night or when something was being

done. It made me feel very young to have the dark come after the dusk and then remain. It was like being put to bed after early supper. The orderly came down between the beds and stopped. Some one was with him. It was the priest. He stood there small, brown-faced, and embarrassed.

"How do you do?" he asked. He put some packages down by the bed, on the floor. "All right, father."

He sat down in the chair that had been brought for Rinaldi and looked out of the window embarrassedly. I noticed his face looked very tired.

"I can only stay a minute," he said. "It is late."

"It's not late. How is the mess?" He smiled. "I am still a great joke," he sounded tired too. "Thank God they are all well."

"I am so glad you are all right," he said. "I hope you don't suffer." He seemed very tired and I was not used to seeing him tired. "Not any more." "I miss you at the mess." "I wish I were there. I always enjoyed our talking."

"I brought you a few little things," he said. He picked up the packages. "This is mosquito netting. This is a bottle of vermouth. You like vermouth? These are English papers." "Please open them."

He was pleased and undid them. I held the mosquito netting in my hands. The vermouth he held up for me to see and then put it on the floor beside the bed. I held up one of the sheaf of English papers. I could read the headlines by turning it so the half-light from the window was on it. It was the News of the World.

"The others are illustrated," he said.

"It will be a great happiness to read them. Where did you get them?"

"I sent for them to Mestre. I will have more."

"You were very good to come, father. Will you drink a glass of vermouth?"

"Thank you. You keep it. It's for you."

"No, drink a glass."

"All right. I will bring you more then."

The orderly brought the glasses and opened the bottle. He broke off the cork and the end had to be shoved down into the bottle. I could see the priest was disappointed but he said, "That's all right. It's no matter."

"Here's to your health, father."

"To your better health."

Afterward he held the glass in his hand and we looked at one another. Sometimes we talked and were good friends but to-night it was difficult.

"What's the matter, father? You seem very tired."

"I am tired but I have no right to be."

"It's the heat."

"No. This is only the Spring. I feel very low."

"You have the war disgust."

"No. But I hate the war."

"I don't enjoy it," I said. He shook his head and looked out of the window.

"You do not mind it. You do not see it. You must forgive me. I know you are wounded."

"That is an accident."

"Still even wounded you do not see it. I can tell. I do not see it myself but I feel it a little."

"When I was wounded we were talking about it. Passini was talking."

The priest put down the glass. He was thinking about something else.

"I know them because I am like they are," he said.

"You are different though."

"But really I am like they are."

"The officers don't see anything."

"Some of them do. Some are very delicate and feel worse than any of us."

"They are mostly different."

"It is not education or money. It is something else. Even if they had education or money men like Passmi would not wish to be officers. I would not be an officer."

"You rank as an officer. I am an officer."

"I am not really. You are not even an Italian. You are a foreigner. But you are nearer the officers than you are to the men."

"What is the difference?"

"I cannot say it easily. There are people who would make war. In this country there are many like that. There are other people who would not make war."

"But the first ones make them do it." "Yes."

"And I help them."

"You are a foreigner. You are a patriot".

"And the ones who would not make war? Can they stop if"

"I do not know."

He looked out of the window again. I watched his face.

"Have they ever been able to stop it?"

"They are not organized to stop things and when they get organized their leaders sell them out."

"Then it's hopeless?"

"It is never hopeless. But sometimes I cannot hope. I try always to hope but sometimes I cannot."

"Maybe the war will be over."

"I hope so."

"What will you do then?"

"If it is possible I will return to the Abruzzi."

His brown face was suddenly very happy.

"You love the Abruzzi?"

"Yes, I love it very much."

"You ought to go there then."

"I would be too happy. If I could live there and love God and serve Him."

"And be respected,"

I said. "Yes and be respected. Why not?"

"No reason not. You should be respected."

"It does not matter. But there in my country it is understood that a man may love God. It is not a dirty joke."

"I understand."

He looked at me and smiled.

"You understand but you do not love God."

"No."

"You do not love Him at all?" he asked.

"I am afraid of him in the night sometimes."

"You should love Him."

"I don't love much."

"Yes," he said. "You do. What you tell me about in the nights. That is not love. That is only passion and lust. When you love you wish to do things for. You wish to sacrifice for. You wish to serve."

"I don't love."

"You will. I know you will. Then you will be happy."

"I'm happy. I've always been happy."

"It is another thing. You cannot know about it unless you have it."

"Well," I said. "If I ever get it I will tell you."

"I stay too long and talk too much." He was worried that he really did.

"No. Don't go. How about loving women? If I really loved some woman would it be like that?"

"I don't know about that. I never loved any woman."

"What about your mother?"

"Yes, I must have loved my mother."

"Did you always love God?"

"Ever since I was a little boy."

"Well," I said. I did not know what to say. "You are a fine boy," I said.

"I am a boy," he said. "But you call me father."

"That's politeness."

He smiled.

"I must go, really," he said. "You do not want me for anything?" he asked hopefully.

"No. Just to talk."

"I will take your greetings to the mess."

"Thank you for the many fine presents."

"Nothing."

"Come and see me again."

"Yes. Good-by," he patted my hand.

"So long," I said in dialect.

"Ciaou," he repeated.

It was dark in the room and the orderly, wild had sat by the foot of the bed, got up and went out with him. I liked him very much and I hoped he would get back to the Abruzzi some time. He had a rotten life in the mess and he was fine about it but I thought how he would be. in his own country. At Gapracotta, he had told me, there were trout in the stream below the town. It was forbidden to play the flute at night. When the young men serenaded only the flute was forbidden. Why, I had asked. Because it was bad for the girls to hear the flute at night. The peasants all called you "Don" and when you met them they took off their hats. His father hunted every day and stopped to eat at the houses of peasants. They were always honored. For a foreigner to hunt he must present a certificate that he had never been arrested. There were bears on the Gran Sasso D'ltslis but it wss a long way. Aquila was a fine town. It was cool in the summer at night and the spring in Abruzzi was the most beautiful in Itsly. But what W3S lovely was the fsll to go hinting through the chestnut woods. The birds were all good because they fed on grapes and you never took a lunch because the peasants were always honored if you would eat with them at their houses. After a while I went to sleep.

5. Берилгэн парчадаги диалогларни Хенри ва рухоний сифатида ижро этиб беринг. Бу каби машклар тизими инглиз тилинийг огзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини шакллантирибгина колмай, балки ўқувчиларни адабиётга, бадий асарлар ўқишга иштиёқини оширади.

ИККИНЧИ БОБ. АДИБ АСАРЛАРИДА КЎТАРИЛГАН МАВЗУ ВА МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ.

2.1. Э.М.ХЕМИНГУЭЙ ҲИКОЯЛАРИДА КЎТАРИЛГАН МАВЗУ, ҒОЯ ВА ОБРАЗЛАР.

Ушбу боб Хемингуэйнинг "Аёлларсиз эркаклар" тўпламида кўтарилган мавзу ва қахрамонлар хусусида фикр юритамиз.

Маълумки, Хемингуэйнинг асарларида кўтарилган асосий мавзу табиат, мухаббат ва дахшатли биринчи жаҳон урушидир. Аммо бу тўпланда кўтарилган мавзулар турличадир. Сабаби бу тўпланда аслида 14 кичик ҳикоялардан иборат бўлиб, ундаги ҳар бир ҳикоянинг ўзига тааллуқли бўлган мавзуси бор. Ундаги қахрамонлар ҳам турличадир. Биз биламизки, қахрамонлар салбий ёки ижобий қахрамонлар бўлади. Бу тўпланда ҳам салбий, ҳам ижобий образлар иштирок этган бўлиб, улар китобхонда ўзига яраша таассурот қолдиради.

Масалан, шу тўпландаги биринчи ҳикояни оладиган бўлсак, бу ҳикоя "The Underfeated" ("Мағлуб бўлмаган") деб номланган бўлиб, ҳикоянинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, унда маълум чет давлатларида жумладан Испанияда, Лотин Америкасида ўтказилган жуда ҳавфли ўйин тури бўлган коррида-яъни букалар жанги хақида сўз юритилган. Бу ҳикоядаги қахрамонлардан бири бўлган Manuel Garcia бўлиб у toreodor-бука жангчиси бўлади. У асарда ижобий қахрамон бўлиб ўз кучига ниҳоятда ишонган шахс сифатида гавдаланади. Унинг характери ниҳоятда олийжаноб, қолаверса уддабурон, сўзининг устидан чиқадиган мард инсон сифатида тасвирланади. Ҳикояда уни яна Маноло лакаби билан тилга олинади, чунки одатда бирон-бир ишнинг уддасидан чиқа оладиган кимсаларга унинг мухлислари томонидан лакаб қўйилади, ва шу лакаб билан у кўпчиликка танилади, лекин аксинча ҳам бўлиши мумкин, яъни бирон-бир ишни пачавасини чиқариб, уни эплай олмайдиган кимсаларга ҳам уни устидан мазах қилиш учун лакаб қўйилади. Аммо бу ҳикояда Мануелга қўйилган лакаб уни ўз ишининг устаси эканлигини китобхонга яна бир бор кўрсатиб ўтган. Ҳикояда яна Don Miguel

Eetana va Zurito пикадор исмли кахрамонлар ҳам тасвирланади. Уларни ижобий ҳам ёки салбий кахрамон ҳам деб бўлмайди, сабаб, улар ҳам ниҳоятда ўз кучига ишонган, қатъиятли кахрамонлар тимсолида гавдаланади. Picador - бу буқа жангида отлик найза отувчи бўлиб, бу ҳам жуда хавфли ўйин саналади. Шунга карамай, кахрамонлар ўз вазифаларини имкон даражасида бажаришга ҳаракат қилишади. Бу ҳикояда кўтарилган асосий мавзу шундан иборатки, мана шу хавфли ўйин бўлишига карамай, уларни ҳаёт учун курашиб, кийинчиликларни енгишга жони борича ҳаракат қилишидир. Чунки бу ўйинда қатнашишдан олдин улар нафақат енгиб чиқишни, балки бутунлай ҳалок бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўриши керак бўлади, буни тасаввур этишнинг ўзи ҳам дахшатдир. Бу билан ёзувчи биринчи жаҳон урушидаги воқеаларни ҳам шунга қиёслаган, яъни, ё ҳаёт, ё мамот жангини тасвирлаган.

Ушбу тўпламдан жой олган навбатдаги ҳикоя "In another country" (бошка мамлакатда) деб номланган бўлиб, бунда ўша даврдаги дахшатли урушдан азобланган кишилар хусусида фикр юритилади. Ҳикояда тўрт зобит ҳақида гап боради, яъни улар жангда яраланиб, касалхонага тушиб қолишади. Уларни касалхонада ўтказган кунлари тасвирланади. Улардан бири Америкалик бўлиб, қолган учтаси Миланлик офицерлардир. Улар баъзида тушлик пайтларида касалхонага яқин бўлган "Сова" кафесида учрашиб қолишади, ва шу пайтда суҳбат қуришади. Уларни биргаликда юрганликларида ёнидан ўтиб кетаётган оддий одамларнинг чўчибгина қарашлари, уларни эса буни сезиб қолишлари ҳикояда жуда жонли тасвирланган. Чунки улар тақиб олган бир қанча медаллар ўткинчи одамларни ҳам хайратга ҳам кўркувга соларди. Уларга баъзи-баъзида яна бир киши ҳам ҳамроҳ бўлиб қоларди. У одамнинг бурни йўқ бўлиб, у юзини доим ўраб юрарди, аммо унинг юқоридаги зобитлардек медаллари йўқ эди. Лекин у ҳам ўз навбатида ана шу урушда фаол қатнашиб, жанг қилгани хусусида сўз юритилади. Юқорида кўрсатилган кахрамонларнинг барчасининг азият чекиши ана шу уруш туфайли эканлигини ёзувчи яққол тасвирлаган. Чунки

унинг урушга нисбатан нафрати барча ёзган асарларида яққол намоён бўлади.

Ёзучининг бу тўпламдаги учинчи хикояси "Hill like White Elephants" ("Филларга ўхшаш қоялар") деб номланган бўлиб, унда иккита қахрамон, яъни бир киз ва бир йигитнинг ўзаро суҳбати акс эттирилади. Бунда кўпроқ иккисининг суҳбати давомида табиат тасвири ҳам чиройли ва жуда жонли акс этган бўлиб, бу хикоя мазмунининг бойитилишига ўзининг маълум хиссасини қўшган.

Тўпламнинг туртинчи хикояси "The Killers" (Қотиллар) деб номланади. Бунда бир неча қахрамонлар иштирок этган. Хикояда Хенрининг тамаддихонасига икки киши келади-да тамаддихона хизматчиларини сўроққа тутишади. Унда икки салбий қахрамон-Мах ва А1 деб лақаб олган икки кишининг қилмокчи бўлган ишлари хусусида сўз юритилади.

Воқеа давомида улар тамаддихона хизматчилари - Ненгу, .Югу ва яна ошпаз йигит сўроққа тутиб, улардан швед бўл Андерсон хақида суриштиришади. Улар уни ўлдирмокчи эканликларини айтишади. Тамаддихона хизматчилари улардан нима учун ўлдирмокчилигининг сабабини сўрашганда, улар дўстлари ҳунини олмокчилигини айтишади.

Хикояда кўтарилган мавзу шундан иборатки, инсонлар ўз манфаатлари йўлида қанчалар тубанлашиб кетганлигини, улар ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмасликларини ёритиб бериш бўлмаган.

Кейинги ("Che Ti Dice La Patria") хикоясида эса икки кишининг бошқа мамлакатга саёхати тасвирланган бўлиб, уларни йўл давомида суҳбатлашгани, бирга овқатланишлари кўрсатилган. Воқеалар давомида уларнинг ўзаро суҳбатлари тилга олинган. Яъни улар овқатланиш учун бир ресторанга киришади, у ерда ишлайдиган бир кизни кўриб қолишади, у киз ҳам уларни кўриб ейиш учун нима олиб келишлигини сўраш бахона уларни гапга солмокчи бўлади. Сабаби у ушбу хикояда "Gay" деб юритилган йигитни ёктириб қолади. Хикояда иккала қахрамоннинг ҳам исми

берилмайди. Биринчи қахрамон автор тилидан ёзилган, иккинчиси "Gay" (йигит) деб тасвирланган.

Йигит немис йигити бўлиб, киз билан гаплаша олмайди. Лекин уларни ўртасида биринчи қахрамон таржимонлик килади. Улар тамаддихонада бир неча соат қолади, кетишга хозирланаётганда уларни киз жўнатиб юборгиси келмайди. Сочларини калта килиб киртишлатган киши киздан уларни йўлини тўсмаслигини айтади, чунки унингча икковлон бунга арзимас эмиш. Лекин ҳикояда улар яхши инсон сифатида тасвирланган бўлиб, улар 10 кун давомида бир неча мамлакатларни айланиб чиқади, қолаверса биринчи қахрамоннинг таржимонлик ҳам қилиши ҳикоя мазмунини янада бойитган деб ўлайман.

Унинг навбатдаги ҳикояси "A Simple Enquiry" ("Оддий тергов") деб номланади. Бу ҳикоя ниҳоятда қиска бўлишига қарамай, жуда чуқур маънога эга. Сабаби урушлар зарбидан ниҳоятда азият чеккан маёрнинг оддийгина инсон-оддий аскар билан бўлган суҳбати акс эттирилган бўлиб, бу суҳбат давомида уларнинг ҳам оддий инсон эканликлари яққол намоён бўлади, ҳар иккиси-бири маёр, бир оддий аскар бўлишига қарамай, уларни ҳам оддий одамлардек яшашга ҳаққи бор.

Маёр касал бўлиб қолганида ўзи учун хизматкорлик вазифасини ўтаётган аскарни ўз ёнига чакиртиради, у билан мухаббат мавзусида суҳбатлашади. Суҳбат сўнгида маёр аскардан ўзи билан қолишни сўрайди. Аскар бунга ҳеч қандай жавоб қила олмайди. Чунки у ўз маёрини ҳурмат қилади ва унинг буйруғига сўзсиз итоат қилади.

Ҳикоянинг асосий мазмуни шундан иборатки, у китобхонга ҳаётнинг қанчалар ширин эканлиги, шунга қарамай инсонлар ўз манфаатини кўзламай, ҳалқи учун жон фидо қилажагини ёритиб беради. Бунда китобхон ўзи учун энг керакли нарсани, яъни ватанпарварлик хиссини чуқур бўлишлигини унутмаслиги керак. Шу маънода, ҳозирги ўзбегим ёш авлодлари учун ҳали ушбу ҳикоя бекиёс тарбиявий аҳамиятга эга деб ўйлаймиз.

Эрнест Хемингуэй барча хикояларида табиат тасвири алохида ўрин тутади. Биз биламизки, хар бир асарда хох у роман бўлсин, хох хлқоя, кандай асар бўлишидан катъий назар, унда табиат тасвири кисман бўлса хам берилади. Лекин Эрнест Хемингуэйнинг асарларида бу жуда ажойиб тасвирда берилади. Агар унинг асари мавзуси севги бўлса, табиат тасвирини хам шунга монанд килиб тасвирлайди, борди-ю уруш хақида бўлса, табиат тарзда хам шунга мос. Китобхон агар унинг асарини ўқиётган бўлса ўзини гўё ўша даврга тушиб колгандай хис килади, хатто асар кахрамони ўрнида ўзини кўради. Масалан, "Чол ва Денгиз" киссасини оладиган бўлсак, бу киссани ўқиётганда китобхон ўзини уммонда гўё балик овлагандай хис килади, гохо балиқчи Сантягога ёрдам бергиси келади, бундай таъсирланиш табиий албатта, лекин унинг асарларидаги бу ҳолат китобга шунчаки кўз югуртириб чикаётган китобхонни хам ўзига жалб этади.

